

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

УДК: 339.9 (53.02)

ББК:65.6 (506Э)

Г-14

Газиева Сулхия Саидмашрафовна

**ФОРС КЎРФАЗИ МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИНИ
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ (БАА МИСОЛИДА)**

5А 231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик
(Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари
номзоди, доцент **Эрмаматов Ш.**

Тошкент– 2015

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Сўнгги йилларда туризм жаҳон иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланаётган сектори ва йирик экспорт саноатига айланиб бормоқда. Туризмнинг миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни нафақат унинг юқори даромад келтириши, балки меҳнатталаб саноат иш ўринларини яратиш орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиши, табиий ва маданий муҳитни асраши орқали барқарор ривожланишни таъминлашда асосий роль ўйнаши ҳамда халқлар ва миллатлараро тотувликни таъминлашга сезиларли ҳисса қўшиши билан ҳам белгиланади.

Халқаро туризм ривожланишининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, у миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари – саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо, қурилиш каби тармоқлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, мультипликатив самара беради ва унинг диверсификациялашувида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотикни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар”¹.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, туризмнинг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ишчи кучи, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишга бўлган доимий талабни рағбатлантиради ва жорий ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, ишсизлик даражасининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келади.

Бунга яққол мисол Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) бўлиб, у сўнгги йилларда миллий иқтисодиётни диверсификациялаш соҳасида улкан ютуқларни қўлган киритди. Бунда, бир томондан, нефть экспортидан олинган

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи 2014 йил 3 октябрь

даромадларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига киритиш, иккинчи томондан, халқаро туризмнинг бошқа тармоқлар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги муҳим роль ўйнади. Бошқача қилиб айтганда, БААда иқтисодиётнинг нефть секторига боғлиқлигининг пасайишида халқаро туризмнинг ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шу нуқтаи назардан халқаро туризмни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг БАА тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида мамлакатимизда иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш ҳамда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти этиб БААда амалга оширилаётган диверсификациялаш жараёнларига халқаро туризмнинг таъсири танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети миллий иқтисодиётни диверсификациялаш усуллари ва йўналишлари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади БААда халқаро туризм самарадорлигини ошириш орқали иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда магистрлик диссертацияси олдида куйидаги вазифалар қўйилган:

- жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда миллий иқтисодиётни диверсификациялашнинг моҳияти ва аҳамиятини ёритиб бериш;
- халқаро туризм ривожланиши иқтисодиётни диверсификациялашнинг муҳим омили эканлигини асослаб бериш;
- иқтисодиётни диверсификациялашнинг услубий масалаларини тадқиқ этиш;
- БААда халқаро туризм ривожланиши шарт-шароитлари ва омилларини очиб бериш;

- БААда халқаро туризмни ривожлантириш асосида нефтдан бошқа тармоқлар ривожланишини таъминлаш ва кўп тармоқли иқтисодиёт таркибини шакллантириш хусусиятларини очиб бериш;

- БААда халқаро туризм ривожланишининг устувор йўналишларини асослаш;

- халқаро туризм самарадорлигини ошириш орқали иқтисодиётни диверсификациялашнинг БАА тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги куйидагиларда ўз аксини топади:

- “диверсификация” атамасининг моҳиятини очиб беришга қаратилган турли иқтисодий таърифларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида унга муаллиф таърифи келтирилган;

- БААда халқаро туризмни ривожлантириш орқали нефтдан бошқа тармоқларни ривожлантириш ҳамда кўп тармоқли иқтисодиёт таркибини шакллантириш хусусиятлари очиб берилган;

- халқаро туризм самарадорлигини ошириш орқали иқтисодиётни диверсификациялаш бўйича БАА тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Диверсификация жараёнларининг моҳияти ва йўналишлари, миллий иқтисодиётни диверсификациялашнинг муҳим омили сифатида халқаро туризм самарадорлигини ошириш, БААда халқаро туризм ривожланишининг шарт-шароитлари ва омиллари, халқаро туризмнинг БАА иқтисодиётини диверсификациялашга таъсири, БААда халқаро туризмни ривожлантириш йўналишлари, Халқаро туризм ривожланиши бўйича БАА тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари тадқиқот ишининг асосий масалалари ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг фарази шундан иборатки, халқаро туризмни ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари,

хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш каби тармоқлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, мультипликатив самара беради ва умуман иқтисодиёт фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Туризм ривожланишининг назарий-услубий асослари, жаҳон туризм бозори ва ундаги таркибий ўзгаришлар, туризм соҳасининг миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни ва роли, халқаро ва миллий туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш масалалари кўплаб хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари тадқиқотларида батафсил ўрганилган.

Туризм ривожланишига оид тадқиқотларни шартли равишда бир нечта йўналишларга ажратиш мумкин.

Туризм географияси, жаҳон минтақалари ва мамлакатларининг табиий-географик, туристик-рекреацион салоҳияти ва имкониятлари Азимов А., Александрова А.Ю., Воскресенский В.Ю., Косолапов А.Б., Севастьянов Д.В., Сенин В.С., Ушаков Д.С., Щербакова С.А. ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Туризм иқтисодиёти, туризм ривожланишининг иқтисодий қонуниятлари, мазкур соҳада инвестиция сиёсати, нарх шаклланиши, туризм бозори конъюнктураси каби масалалар Балабанов И.Т., Биржаков М.Б., Боголюбов В.С., Бурменко Т.Д., Быстров С.А., Веткин В.А., Драчева Е.Л., Жукова М.А., Замедлина Е.А., Здоров А.Б., Каурова А.Д., Кусков А.С., Морозов М.А., Соколова М.В. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритиб берилган.

Драчева Е.Л., Квартальнов В.А., Храбовченко В.В., Христов Т.Т. ва бошқаларнинг илмий ишлари халқаро туризмнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг назарий жиҳатлари, миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва роли, туристик оқимлар ривожланишига таъсир этувчи омиллар каби масалаларга бағишланган.

Туризм соҳаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, халқаро туризмнинг миллий хўжаликлар ривожланишига таъсири, туризмда маркетинг концепциясини қўллаш каби масалалар бўйича хорижлик иқтисодчи-олимлар, жумладан, Котлер Ф., Боуэн Дж., Кастер В., Мейкенз Дж., Фостер Д. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишининг асосий йўналишлари, унинг назарий-услубий жиҳатлари, миллий туристик маҳсулот шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, туризмни ривожлантиришда маркетингнинг роли, туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва уни такомиллаштириш масалалари ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар – Камилова Ф., Норчаев А., Саидов А., Тошмурадов Т., Тўраев Б., Тўхлиев Н., Файзиева Н., Ҳамидов О. ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Юқорида номлари келтирилган иқтисодчи-олимларнинг мазкур соҳани ўрганишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, БААда халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий диверсификациялашга таъсири масалалари мамлакатимиз иқтисодий адабиётида етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса ушбу тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Магистрлик диссертациясининг назарий-услубий асоси бўлиб миллий иқтисодий диверсификациялаш, халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш давомида статистик таҳлил, тизимли ёндашув, абстракт фикрлаш, умумлаштириш усуллари кенг қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясининг асосий натижаларидан миллий иқтисодиётни диверсификациялаш ва халқаро туризмни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертациясининг материалларидан олий ўқув юртларида маъруза ва семинар маҳсулотларига тайёргарлик жараёнида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНДА ТУРИЗМНИНГ РОЛИ

1.1. Иқтисодий диверсификациялашнинг назарий масалалари

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ассиметрик шакллари ҳисобланган ихтисослашув ва диверсификация жамият ривожланишининг турли босқичларида турли хил нисбатларда ишлаб чиқаришда қўлланилган. Диверсификация жараёнлари, айниқса XX аср 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб юқори суръатларда ривожлана бошланди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, бу даврда фан-техника тараққиётининг жадаллашуви корхоналар ва фирмалар ўртасидаги рақобат курашининг кескинлашувига олиб келди. Бунинг натижасида эса корхоналар томонидан олинadиган фойда меъёри нисбатан бараварлашди ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ихтисослашувга асосланган манбалари нисбатан бараварлашди ва нисбатан ўз имкониятларини тугатди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, диверсификация жараёнларини амалга ошириш зарурияти дастлаб микрокорхоналар, фирмалар ва компаниялар даражасида намоён бўлди. Айнан шу даврдан бошлаб диверсификациянинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти, мақсади ва йўналишлари иқтисодий адабиётларда ўрганила бошланди².

XIX асрнинг дастлабки чорагида корхоналар олдида турган асосий мақсад бозор учун кўп миқдорда товар ишлаб чиқариш ва унинг харажатларини қисқартиришдан иборат эди. Бу даврда корхоналарнинг ихтисослашув даражаси юқори бўлган. Лекин 1950 йилларга келиб диверсификациянинг кучайишига уч асосий омил таъсир этди:

²Gort M. Diversification and integration in American industry. – Princeton, Princeton University Press, 1962, Yoshinara E., Sakuma A., Itami K., The Strategy of diversification in Japanese industry. – Tokyo, Nippon Keirai, 1979 ва бошқалар.

- бир турдаги товарни истеъмол қилувчи бозор сегментларининг чекланганлиги сабабли ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш самараси пасайди, натижада корхоналар мавжуд маблағларни даромад олиш мақсадида ассортиментни кенгайтиришга ёки янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришга сарфлай бошладилар;

- ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат ўсди. Корхоналар рақобатбардошлик даражасини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати ва харидорлигига катта эътибор қарата бошладилар;

- фан-техника тараққиётининг жадаллашуви ижтимоий-иқтисодий вазиятларни тез ўзгаришига сабаб бўлди ва ишлаб чиқарувчиларда бу ўзгаришларга тез мослаша олиш қобилиятини шакллантириш долзарблиги вужудга келди.

Шундай қилиб, диверсификациянинг дастлабки кўринишлари микроиқтисодий даражада корхона ва фирмалар фаолиятида вужудга келди. Чунки иқтисодий, ижтимоий омиллар ва фан-техника тараққиётининг ўзгариши корхона бошқаруви ва унинг фаолияти тартибини ҳам ташқи шароитларга мослаштириш натижасида ўзгартиришни талаб этди. Бу корхонанинг анъанавий ишлаб чиқаришга қўйилган капитали самарадорлигининг тушиб кетиши билан изоҳланади.

“Диверсификация” латинча “diversificatio” сўзидан олинган бўлиб, у “ўзгариш”, “хилма-хил тараққиёт” каби тушунчаларни беради. Диверсификация –корхона (бирлашма)ларнинг фаолияти соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туришидир³.

Иқтисодиёт соҳасида ишлаб чиқаришни “диверсификациялаш” ҳақидаги назарий таҳлил биринчи бор америкалик олим М.Горт томонидан 1962 йилда “Америка ишлаб чиқаришини диверсификациялаш ва интеграциялашуви” номли асарида амалга оширилган.

М.Горт иқтисодиётни диверсификациялашга шундай таъриф беради:

³Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.704.

“Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш деганда такрор ишлаб чиқариш ва ресурсларни тақсимлаш жараёнларида номутаносибликнинг вужудга келишига барҳам бериш ҳамда турли йўналишлардаги ишлаб чиқаришда ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш ва иқтисодиёт соҳаларида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш тушунилади”⁴.

Иқтисодчи Э.В.Баумунг ўзининг “Диверсификациялаш жараёнининг ривожланиш босқичлари” асарида америкалик олим Ричард Румельтнинг қарийб 20 йил давомида 500 та йирик Америка компания ва фирмаларнинг фаолиятларини таҳлилларини кўрсатиб, уларнинг ишбилармонлик изланишлари натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан жаҳон бозорида доимий ҳукмронлигини ўрнатган компанияларнинг йирик капиталга эга бўлаётганлигини ва жамғарилган капиталларни илм-фан янги лойиҳалар асосида доимий равишда тўхтовсиз янги саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилаётганлигини таъкидлаб ўтган⁵.

Россиялик олим Р.Кунцнинг фикрига кўра, XX асрнинг 30-йилларида АҚШнинг "Дженерал моторс" компанияси жаҳон ҳўжалигида биринчилардан бўлиб ишлаб чиқаришнинг ривожланишида бозор ҳолатини ва унинг ўзгариш жараёнини диққат билан кузатди. Айниқса, компания томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг моделини ўзгартиришга киришди. Унинг маҳсулотлар ўзгартириши барқарор ишлаб чиқариш тизимидан диверсификациялаш жараёнига ўтганлигидан далолат берди⁶.

Жаҳон ҳўжалигида юзага келган индустриализация даврида, яъни XX асрнинг 70-йилларида саноат тизимида катта ўзгаришлар содир бўлди. Корхоналарда ялпи экспортдан эвазига жамғарилган капиталларни янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарилишига йўналтирилди. Айниқса, фан-техника инқилоби таъсирида ва олимларнинг изланишлари асосида кашф қилинган кўплаб турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши саноат

⁴ Gort M. Diversification and integration in American industry. – Princeton: Princeton University Press, 1962.

⁵ Баумунг Э. В. Этапы развития диверсификации производства // Молодой ученый. М.: - 2012. - №3. - С.123.

⁶ Кунц Р. Стратегия диверсификации и успех предприятия. – Проблемы теории и практики управления. – М.,1994. – №1. – С. 96-97.

тизимининг кенгайишига олиб келди ҳамда XIX асрнинг 80-90 йилларига келиб, ривожланган мамлакатларда саноатнинг ривожланиши учун инфратузилма шаклланиб бўлди⁷.

Кейинчалик эса, 1979 йилда япон олимлари, жумладан Е.Ёшинара, А.Сакума ва К.Итадилар томонидан ёзилган “Япон корхоналарида диверсификациялашнинг йўналишлари” номли илмий асарларида диверсификация йўналиши муаммосининг ялпи истеъмол масаласини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини пасайиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, саноат ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишдаги тенгсизлик ҳолатини юзага келиши билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтишган⁸.

Америкалик иқтисодчилар С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар диверсификацияни “таваккалчиликни бир нечта активларга тақсимлаш орқали унинг даражасини пасайтиришга йўналтирилган стратегия” сифатида аниқлайдилар. Уларнинг фикрича, диверсификациянинг асосий қоидаси “ҳамма тухумларни битта саватда сақламасликдан иборат”.⁹ Мазкур таъриф бир мунча умумийроқ характерга эга бўлса-да, диверсификациянинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ ўзида акс эттиради.

Қуйидаги таъриф диверсификациянинг моҳиятини тўлароқ ифодалайди: “Диверсификация корхонанинг иқтисодий самарадорлиги ва фойдасини кўпайтириш, банкротликка учраш эҳтимолини камайтириш мақсадида ишлаб чиқарилаётган товарлар ассортиментини кенгайтириш, кўринишларини ўзгартириш, ёки корхона учун янги бўлган товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни англатади”¹⁰.

⁷ Томпсон А.А. Стратегический менеджмент, Искусство разработки и реализации стратегии. – М.: ЮНИТИ, 1998. – С.57.

⁸ Ёшинара Е., Сакума А., Итами К. Стратегия диверсификации на японском предприятии //Нипон Кейрай. – Токио, 1979. – С.15.

⁹⁹ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: пер. с англ. со 2 – го изд. – М.:Дело, 1997. – С.51.

¹⁰ Борисов А.Б. “Большой экономический словарь”. – М.: 2010. – С. 181.

Кейинчалик диверсификация атамаси мародаражада ҳам қўлланила бошланди. Айниқса, монотовар ишлаб чиқаришга асосланган ривожланаётган мамлакатларда бу муаммо долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Хусусан, қуйидаги таъриф диверсификациянинг макриқтисодиёт даражасидаги моҳиятини очиб беради: “Диверсификациялаш – бу бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган бир томонлама ишлаб чиқариш таркибидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кенг номенклатурасига эга кўп тармоқли ишлаб чиқаришга ўтишдир”¹¹.

Россиялик олима Г.Немченко ва С.Донецкаяларнинг фикрларига кўра, диверсификациялаш жараёнини қай даражада амалга ошириш ва ишлаб чиқариш тизимини кенгайтиришнинг самарали якунига етказиш учун энг асосан ишлаб чиқарувчи корхонанинг молиявий аҳволдан келиб чиқади деган фикрни берадилар.¹² Россиялик олим Р.Кунцнинг фикрига кўра, жаҳон бозорларида кескин курашларнинг ошиб бориши, ишлаб чиқариш жараёнларини турли иқтисодий инқирозлар таъсирида пасайиб қолиши ва илмий-техника изланишлари ёрдамида янги замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилиш жараёнларининг тезлашувига олиб келди. Диверсификация капиталнинг жамғарилиши ва уни ишлаб чиқаришга мақсадли йўналтирилишидаги асосий шакли сифатида намоён бўлди.¹³

Худди шу фикрни россиялик олима Г.Немченко ҳам маъқуллаб, капиталнинг мақсадли йўналтиришда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг номенклатурасини ва турларини кенгайтиришни аввалдан назарий ва амалий омиллар билан аниқлаш лозимлигини таъкидлаб ўтган.¹⁴

Иқтисодиётни диверсификациялаш масалалари ўзбекистонлик олимлари томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш,

¹¹ NNSV PSY Lab Server (<http://psylab.unn.ac.ru/library/Dict/findict.gtxt>) –экономический словарь.

¹² Немченко Г., Донецкая С. Диверсификация производства: цели и направления деятельности //АГУ, Россия. – 2012. – С.2.

¹³ Кунц Р. Стратегия диверсификации и успех предприятия /Проблемы теории и практики управления. – М.,1994. - № 1. - С.96.

¹⁴ Немченко Г. Диверсификация производства /Дальневосточное отделение РАН. – Благовещенск, 1994. – С.12.

жаҳон ҳўжалик тизимига интеграциялашув шароитида унга бўлган эътибор янада кучайди.

Хусусан, ўзбекистонлик олим Н.Тухлиев “диверсификация” сўзига куйидаги таърифни беради: диверсификация – бу ишлаб чиқариладиган ёки импорт ва экспорт қилинадиган товарлар ассортиментини кўпайтириш, турларини ўзгартириш, шунингдек ишлаб чиқариш ва савдо-сотик самарадорлигини ошириш, ҳар қандай банкротлиларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларини ўзлаштиришдир. Диверсификация нафақат бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ёки ягона ҳўжалик фаолиятига боғлиқликнинг олдини олиш учун, балки анъанавий бозорлардаги улушини ошириш, янги бозорларни эгаллаш, капитал оқими учун янги соҳаларни излаб топиш ва бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилади¹⁵.

Диверсификация атамасига ўзбек иқтисодчиси Ж. Жалолов куйидагича таъриф беради: “Бевосита бир-бири билан боғланмаган кўплаб ишлаб чиқаришларнинг бир вақтдаги ривожланиши”. Фирма фаолиятининг диверсификациялашувига эса ушбу олим фирма фаолиятида бир-бири билан бевосита боғланмаган бир нечта ишлаб чиқариш турларининг ривожланиши ёки фирма таркибига янги тармоқнинг киритилиши дея таъриф беради¹⁶.

Шундай қилиб, диверсификация – бу олдиндан қўйилган мақсад эмас, балки объектив жараённинг вужудга келиши натижасида амалга ошириладиган мажбурий чора-тадбирлар тизимидир. Диверсификация, иқтисодиётнинг қайси тармоғида амалга оширилишадан қатъи назар иқтисодий субъект учун даромад олиш имкониятини кенгайтириш, унинг барқарорлигини таъминлаш ва турли иқтисодий ҳавфларни олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

¹⁵Тўхлиев Н.Т. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг зарурияти ва шарт-шароитлари /Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг долзарб масалалари: хориж тажрибаси, муамолар, истиқболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ТошДШИ, 2012. – Б.13.

¹⁶Жалолов Ж.Ж., Аҳмедов И.А., Акрамов Т.А., Нематов И.У. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 176 б.

Юқоридаги таърифларни умумлаштирган ҳолда, диверсификациялаш атамасига қуйидагича таъриф бердик: Диверсификациялаш – бу бирор-бир маҳсулот ёки маҳсулотлар гуруҳи ишлаб чиқариш ёхуд хизматлар кўрсатишга боғлиқликни камайтириш, капитални оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқени мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Корхона фаолияти кўламини кенгайтиришда қуйидаги мақсадларни кўзлайди: корхонанинг иқтисодий барқарорликка эришиш ва молиявий томондан мустаҳкамликни таъминлаш; фойда ҳажмини кўпайтириш; бозорда корхонанинг рақобатбардошлик даражасини ошириш; бозордаги ўрнини сақлаб қолиш. Лекин корхона учун диверсификация йўналишларини белгилашда аниқ бир қонуниятлар ишлаб чиқилмаган. Биринчидан, диверсификация жараёнларидан кўзланган мақсад корхонанинг молиявий ҳолати ва имкониятларига боғлиқ ҳисобланади. Иккинчидан, тармоқларнинг жозибадорлиги корхона учун қисқа ва узоқ муддатларда турлича бўлади. Шундай қилиб, диверсификация стратегияси корхонанинг молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда, “яшаб қолиш” ёки бозорда ҳукмронликка эришиш мақсадида ишлаб чиқилади. Корхоналарнинг диверсификацияни амалга оширишга тайёр эканини аниқловчи ягона шарт мавжуд эмас. Корхонанинг диверсификацияни:

1. Корхона фаолияти соҳасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш самараси йўқолса;
2. Диверсификация товарларнинг истеъмол қийматини оширса ва корхона рақобатбардошлигини мустаҳкамласа;
3. Мавжуд устунлик ва ишлаб чиқариш имкониятларини бошқа тармоқларга олиб ўтиш мумкин бўлса;
4. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларни камайтирса;
5. Корхонанинг молиявий ва ташкилий ресурслари диверсификация учун етарли бўлса, амалга ошириши лозим.

Корхоналарни диверсификация ундовчи омилларни беш гуруҳга ажратиш мумкин:

- Техник-технологик омиллар – ишлаб чиқариш салоҳияти (ишлаб чиқариш қуввати, ресурслар, технология)дан тўла фойдаланишга бўлган интилиш, хомашё ресурсларини ишлатишнинг муқобил вариантлари;
- Иқтисодий омиллар – капиталнинг анъанавий ишлаб чиқариш тармоқларида жамғарилиши ва капитал киритиш учун янги тармоқлар изланиши, бозорнинг катта қисмини эгаллаш ва янги бозорларга кириб боришга интилиш, ресурсларнинг иқтисодий чеклангани;
- Молиявий омиллар – молиявий барқарорликка эришиш ва молиявий хавфни камайтириш мақсадида капитални турли тармоқларга тақсимлаш;
- Ижтимоий омиллар – ишчи ходимларни сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратиш, менеджерларнинг инновацион сиёсатини рағбатлантириш;
- Стратегик омиллар – бозор конъюнктурасига мослашиш ва ундаги тебранишларнинг салбий таъсирларига қарши тура олиш, корхона келажагини суғурталаш ва бошқалар.¹⁷

Диверсификация жараёни фойдани кўпайтириш, барқарорликни таъминлашга қаратилган бўлсада, унинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Биринчи навбатда харажатлар ортади. Чунки янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни бозорга олиб чиқиш корхонадан қўшимча харажатларни талаб этади. Шу сабабли ҳаддан ташқари диверсификациялашув корхонанинг молиявий аҳволига зарар келтиришини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари диверсификациялашган корхона фаолият турларининг кенгайиши ишчи кучининг касбий кўникмаларининг пасайишига сабаб бўлади.

Ихтисослашувда эса ишлаб чиқаришнинг бир товар гуруҳи доирасида бўлиши уни ишлаб чиқаришда таннархнинг пасайишига (миқёс самараси)

¹⁷Кунц Р. Стратегия диверсификации и успех предприятия. –Проблемы теории и практики управления. - 1994. №1. -96-100 с.

олиб келади. Буни устига бир турдаги фаолият билан мунтазам шуғулланиш ишчиларда малака ва кўникмаларнинг ўсишига, натижада меҳнат унумдорлигининг ортишига сабаб бўлади. Ихтисослашувда сифатнинг юқори бўлиши ҳам афзаллик сифатида қаралиши мумкин. Баъзи иқтисодчи олимлар мамлакатлар ҳалқаро савдода нисбий устунликка эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашувнинг самараси диверсификациялашувдан афзал, дея баҳолайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, диверсификациянинг микро ва макроиқтисодий аҳамияти ва унинг иқтисодий жараёнларга таъсири катта. Иқтисодий ресурсларнинг тармоқларо самарали тақсимланишини таъминлаши билан диверсификация иқтисодиёт олдидаги энг долзарб масалани ҳал этиш йўли ҳисобланади. Микроиқтисодий даражада барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси сифатида эса миллий иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишига ҳам хизмат қилади. Макроиқтисодий даражада эса глобаллашув жараёнида мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасини ҳам юмшатади ва салбий ўзгаришларнинг жаҳон иқтисодиётга таъсирини камайтиради.

1.2. Туризм соҳасини ривожлантириш иқтисодиётни диверсификациялашнинг муҳим йўналиши

Ҳалқаро туризм иқтисодиётнинг транспорт, алоқа, савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли ишлаб чиқариш каби асосий тармоқларига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатиб, мультипликатив самара беради ва миллий иқтисодиётни диверсификациялашнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳалқаро туризм аҳоли бандлигига кучли ижобий таъсир кўрсатади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра дунё бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар 15 тадан биттаси туризм ёки унга туташ тармоқларда

банд. Бу соҳада географик нуқтаи назардан янги иш ўринлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан кенгрок тарқалган бўлади.

XIX асрга келиб илм-фан ва техника ривожланиши, оламшумул ихтиролар инсонларни олам ва унинг тузилиши ҳақидаги фикрларини тубдан ўзгартириб юборди. Янги техника ва технологик воситаларнинг кашф этилиши ва уларнинг илмий нуқтаи назардан исботланиши билан бир каторда хизмат кўрсатиш соҳаларининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлмиш туризм миллий иқтисодиётда стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилган "Туризм тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида туризмга қуйидагича таъриф берилган. "Туризм-жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)."¹⁸ Бундан кўринадики туризм ҳам хизмат кўрсатишнинг тармоқ таркиби ҳисобланади.

Шунингдек, статистикада туризм деганда доимий яшаш ва иш жойини алмаштириш билан боғлиқ бўлмаган аҳоли миграциясининг бир шакли тушунилади¹⁹. БМТнинг статистика комиссияси эса туризмга шахсларнинг саёҳат қилишлари билан боғлиқ ва шахснинг дам олиш, ишбилармонлик ва бошқа мақсадларда доимий яшаш жойидан бошқа жойдаги фаолияти сифатида таъриф берди²⁰.

Туризм хизмат кўрсатиш таркибидан қатъий назар, хизматлар кўрсатиш жойига ва мазкур хизматларни истеъмол қилувчи туристлар гуруҳига кўра: ички ва халқаро туризм категорияларига бўлинади. Халқаро туризм - деганда бирор давлатга бошқа давлат туристларининг бориши ва

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни.-Т.: Adolat, 2000, 131-140 б

¹⁹ Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма. – М.: Издательство РДЛ, 2005. – стр 6

²⁰ Рекомендации по статистике туризма. Статистические документы. ООН, ВТО (пер. с англ.) Нью Йорк, 1994

уларга хизмат кўрсатилиши тушунилади. Демак, ўз-ўзидан равшанки, бундай туристлар хорижий туристлар категориясига киради.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 10 фоизидан кўпроғи, инвестицияларнинг 7 фоизи, жаҳон истемол харажатларининг 11 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади. XX аср 90-йилларининг бошларидан токи ҳозирги кунга қадар мазкур соҳага киритилган инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати мос равишда 30% ни ташкил этди. Туризм нафақат иқтисодий соҳаларнинг ривожига кўмаклашиш балки, маҳаллий аҳоли даромадларини оширишга ҳам ёрдам беради. Ҳозирги вақтда ҳар 16 та иш ўрнидан бири туризм тармоғи зиммасига тўғри келади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё аҳолисининг 14 фоизи халқаро миқёсда саёҳат қилади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Бунинг сабаби эса бевосита аҳоли даромадлари билан боғлиқ бўлибгина қолмай, дунё геосиёсий манзарасининг ўзгариши билан ҳам баҳоланмоқда. Халқаро туризмнинг ривожланиши ва талабнинг бундай суръатларда ўсиши халқаро саёҳатлар сонининг ортишига ҳамда уларнинг сарф-харажатларига таъсир кўрсатмай қолмайди. Саёҳат қилган кишилар сони 2013 йилда 1 млрд. 87 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 2030 йилга келиб 1,8 миллиард кишини ташкил қилиши кутилмоқда²¹.

2014 йилда жаҳон бўйича туристлар оқими бир қатор сиёсий муаммоларга қарамай 5% га ўсганлигини коузатиш мумкин. Агарда 2013 йилда дунё бўйича туристлар оқими 1087 млрд. кишини ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 1155 млрд. га етди. Яна шуниси аҳамиятлики Бутунжаҳон туризм ташкилоти берган 2010-2020 йилларда дунё туризм прогнозларига кўра 2014 йилда ўсиш кўрсаткичи 3,8% бўлиши керак эди, лекин бу кўрсаткич 5% ни ташкил қилди.²² Бу эса жаҳонда туризм жадал

²¹ World tourism organization (WTO) Data as collected by UNWTO, Madrid 2014 June

²² World tourism organization UNWTO Annual report 2013: -Madrid 2014

ривожланиш йўлида эканлигидан далолатдир.

1.2.1-жадвал

Дунё бўйича 2000-2013 йилларда халқаро туристик ташрифлар динамикаси

Минтақалар	Халқаро туристик ташрифлар млн.киши					Ўзгариши %		Улуши%
	2000	2010	2011	2012	2013	2012/ 2011	2013/ 2012	2013
Африка	26,2	49,8	49,2	52,3	55,8	6,6	5,4	5,1
Шимолий Африка	10,2	18,8	17,1	18,5	19,6	8,2	6,1	1,8
Сахрои-Кабир чўли минтақаси	16,0	31,0	32,2	34,5	36,6	5,8	5,0	3,3
Америка	128,8	150,3	156,3	162,1	167,7	4,3	3,2	15,5
Шимолий Америка	91,5	99,3	102,1	106,4	110,1	4,2	3,5	10,1
Кариб ороллари	17,1	19,5	20,1	20,7	21,1	3,0	2,4	2,0
Марказий Америка	4,3	7,9	8,3	8,9	9,2	7,3	3,7	0,8
Жанубий Америка	15,3	23,6	25,8	26,7	27,4	5,0	2,6	2,5
Осиё ва Тинч океани	110,1	205,1	218,1	232,9	248,1	6,9	6,2	22,8
Шимолий-шарқ. Осиё	58,3	111,5	115,8	122,8	127	6,0	3,5	11,7
Жануб.-шарқ. Осиё	36,1	70,0	77,3	84,0	93,1	8,7	10,5	8,6
Океания	9,6	11,6	11,7	12,1	12,5	4,0	4,7	1,1
Жанубий Осиё	6,1	12,0	13,4	14,0	15,5	6,2	6,1	1,4
Европа	389,4	487,6	517,5	534,8	563,4	3,6	5,4	51,8
Шимолий Европа	47,8	63,8	64,8	65,1	68,9	0,9	5,8	6,3
Фарбий Европа	139,7	154,3	161,0	165,8	174,3	3,5	4,2	16,0
Марказий-шарқ. Европа	69,3	95,9	105,3	113,7	118,9	8,3	6,5	11,0
Жан. Европа, Фарбий Ўрта ер денгизи	132,6	173,5	186,4	190,4	201,4	2,0	5,7	18,5
А`зо 28 мамлакат	332,3	380	401,2	412,2	432,7	2,7	5	39,8
Яқин Шарқ	24,1	58,2	55,3	51,7	51,6	-5,4	-0,2	4,7
Жаҳон бўйича	678	952	996	1,035	1,087	3,8	5	100

Манба: UNWTO NEWS. www.unwto.org. Magazine of the Tourism Organization, Year XXIII, Issue 2/2014. – P.3

2013 йилда жаҳон туризм соҳасида жадал ўсишлар юз берди. 2013-йилда 2012 йилга нисбатан халқаро ташрифлар бўйича 5% га кўпайиш кузатилди. Аниқроқ қилиб айтганда 2012 йилда халқаро ташрифлар сони 1035 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 1087 млн. га ошганини кўришимиз мумкин. Халқаро туризм тушумлари бўйича 6% га ўсиш қайд этилди ва 2013 йилга келиб Европа минтақаси 2013 йилда халқаро туризм ҳаракатларининг 51,8 фоизни ташкил этган. 2013 йилда Европа

минтақаси 563,4 миллион хорижий туристларни қабул қилган. Саёҳатларнинг кўпчилиги Ғарбий Европа ва Жанубий Европага тўғри келади. 2012 йилга нисбатан 2013 йилда Европа мамлакатларига ташрифлар 5,4 фоизга ўсган.

Осиё ва Тинч Океани минтақасига 2013 йилда халқаро туризм ҳаракатларининг 22,8 фоизи тўғри келган. Бутунжаҳон туризм ташкилоти тасарруфидаги минтақалар ўртасида Осиё ва Тинч Океани минтақаси халқаро ташрифлар бўйича 6 фоизга ўсган ҳолда рекорд натижага эришди. Минтақага 248,1 миллион турист ташриф буюрган, бу кўрсаткич 2012-йилга нисбатан 14 миллион кишига кўпроқ. Таҳлил натижалари бу минтақага хорижий сайёҳларнинг қизиқишлари катта эканлигидан далолат беради.

Америка минтақасини кўрадиган бўлсак, унга халқаро туристик ташрифларнинг 15,5 фоизи тўғри келган. Умумий минтақа (Америка минтақаси) улушига нисбатан Шимолий Америка туристларнинг 65 фоизини ўз ичига олади. Шу жумладан, Шимолий ва Марказий Америка давлатларидан: Канада, Коста-Рика, Куба, Доминика, Гренада, Багам ороллари, Гаити, Мексика, Панама, Пуэрто Рика, Салвадор, Ямайка, Гваделупа, Гватемала давлатлари ҳамда Вашингтон каби йирик шаҳарлар туристларнинг асосий саёҳат қиладиган масканлари ҳисобланади.

2013 йилда энг кам улуш Африка ва Яқин Шарқ минтақасига тўғри келган, яъни халқаро туризм ҳаракатларининг умумий 9,8 фоизи ҳолос. Ушбу ҳолат бевосита минтақада охириги пайтлардаги сиёсий беқарорлик, нотинчлик ва урушларнинг оқибатидир. Лекин Яқин Шарқ минтақасида туризмнинг ўсиш кўрсаткичлари Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Қатар каби мамлакатларда кузатилди.

Халқаро туризм ўз-ўзидан маҳаллий иқтисоднинг гуллаб-яшнашига кафил бўла олмайди. Жаҳон бўйича ва бирор алоҳида олинган мамлакат миқёсида туризмнинг ривожланиши, мамлакат иқтисодиёти ва жаҳон ҳўжалигида аҳамиятининг ортиб бориши бир қатор омиллар билан шартлаштирилади. Маълумки, омил деганда бирон-бир жараённинг

ҳаракатга келтирувчи ва унинг хусусиятини ёки хусусиятларидан бирини очиб берувчи сабаби тушунилади. Туризмнинг ривожланиш омиллари деганда объектив таъсир этувчи ҳамда таъсир этувчи турли қонунлар натижасида юзага келувчи туризмни ривожлантириш шароитлари тушунилади. Илмий адабиётларда халқаро туризмни ривожлантириш омилларнинг турли хил таснифлари келтирилади.

Одатда, халқаро туризмни ривожлантириш омилларини кўчмас ва динамик турларга ажратилади. Кўчмас омилларга табиий-географик ва тарихий-маданий омилларнинг йиғиндиси киритилади. Улар ўзгармас ва доимий аҳамиятга эга бўлади. Инсон фақатгина уларга етишишни осонлаштирган ҳолда уларни туристик эҳтиёжларга мослаштира олади. Динамик омиллар иккинчи, янада йирикроқ гуруҳга киритилади. Улар вақт ва макон бўйича ўзгариб турувчи аҳамият – баҳога эга бўлади. Уларнинг қаторига ижтимоий-иқтисодий, моддий-техник, сиёсий, маданий ва бошқа омиллар киради.

Халқаро туризм умуман олганда, туризмнинг ривожланишига таъсир этиш тавсифига биноан барча омиллар уч гуруҳга бўлинади: экстенсив (миқдорий), интенсив (сифатий) ва чекловчи (салбий) ривожланиш омиллари.

Туристик фаолиятнинг экстенсив омилларига қуйидагилар киради:

- Туристик фирмалар ва уларда ишловчи ходимлар сонининг ўсиши;
- Туризмга жалб этилувчи моддий ресурслар, жойлаштириш, ташиш воситалари, овқатлантириш корхоналари миқдорининг туристларга хизмат кўрсатиш технологияларни кучли такомиллаштирмаган ҳолда оширилиши.

Туризмни ривожлантиришнинг интенсив омиллари ўз ичига сифат жиҳатдан янгиланишнинг қуйидаги омилларини олади:

- Ходимлар малакасини ошириш;
- Илмий-техник тараққиётнинг ютуқларини қўллаш;
- Хизмат сифатини ошириш;
- Туристик ресурслардан ратсионал фойдаланиш;

➤ Туризмда информатсион-техник воситалардан фойдаланишни татбиқ этиш.

Туризмни ривожлантиришни чекловчи салбий омилларга қуйидагилар киради: сиёсий ва молиявий беқарорлик, табиий офатлар.

Ҳозирги жамиятда туризмнинг ривожланишига асосий сабаб бўлиб ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллар хизмат қилади.

Шуларнинг энг биринчиси иш вақтининг қисқариши бўлди — масалан, Германияда XX асрнинг охири 15 йилида инсонларнинг иш вақтларининг ўртача йиллик иш соатлари 27% га қисқарди, пули тўланадиган таътилнинг давомийлиги сўнгги 50 йил ичида 2,5 баробар ортди, бироқ, шунинг билан биргаликда ишнинг интенсивлиги ҳам ортиб борди. Буларнинг барчаси одамларда бўш вақт миқдорининг ортиши ва ишдаги зўриқишларнинг ўсишига олиб келди. Маълумки, инсонда бўш вақт ва етарли миқдорда молиявий маблағлар бўлгандагина туристик саёҳатга чиқишга имконият пайдо бўлади. Юқорида эслатиб ўтилган ушбу ҳолат ривожланган мамлакатлар аҳолиси орасида туризмнинг оммалашиб боришига етарлича шароитлар яратиб бера бошлади. Бунинг устига, ишлаб чиқаришнинг автоматлашуви ва компютерлашуви ишчиларда бажарилаётган ишга нисбатан бегоналашув ҳиссини уйғота бошлади. Бу эса, ўз навбатида инсонларда стресснинг кўпайиши, ўз ишидан норозилик ҳиссининг ортиши кабиларга олиб кела бошлади.²³

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади, шу билан бирга ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга дейилади.²⁴ Бу эса мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда қонуний амалиёт мавжудлигидан далолатдир.

²³ F.K.Kamilov, Z.K.Kamilov Xalqaro turizm bozori T: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti 2011 144b.

²⁴ O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. -T.: "O'zbekiston", 2003.

Шунга ўхшаш қонун ва қоидалар аксарият давлатларнинг бош қомусларида, шунингдек, халқаро келишув ва Конвенсияларда ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, «Туризм хартияси»да (1985-йил Бутунжаҳон туризм ташкилоти) : ҳар бир шахснинг дам олиш ҳуқуқи, жумладан, чекланган иш вақти ва пул тўланувчи меҳнат таътили, шунингдек, қонунда белгилаб қўйилганлардан ташқари барча ҳолларда ҳеч қандай чекловсиз эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи бутун жаҳонда тан олинади, - деб белгилаб қўйилган.²⁵

Жамият мобиллигининг ортиши, транспортнинг ривожланиб бориши, жойлар ва улардаги имкониятлар тўғрисидаги ахборотларни олишнинг осонлашуви туризмнинг ривожланишига туртки берувчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб қолди. Масалан, ҳаво транспорти такомиллашди, чипталар (йўл киралар) арзонлашди, ўрта табақа вакилларида автомобил сотиб олиш қудрати пайдо бўлди. Автомобил туризмнинг юксалишига энг кўп ҳисса қўшган транспорт воситаси бўлиб қолди, чунки, ўз шахсий автомашинасига эга бўлган кишиларда ўз оилалари, дўстлар билан ёки яққа ўзлари ҳеч қандай турагентлик ёрдамисиз яқин узоқ масофаларга саёҳат қилиш имконияти туғилди. Ўз машинасида саёҳат қилаётган кишилар саёҳат маршрути ва давомийлигини ўз ихтиёрлари билан хоҳлаган вақтда ўзгартира олишади, йирик гуруҳларда амалга оширилувчи турларда эса, қатъий графикка ва маршрутга риоя қилиш, кўпчиликнинг истагига бўйсуниб лозим бўлади.

Борган сайин ишдан қониқиш ҳисси кўпаяётган инсонларда ўз уйида етарлича дам олиш имкониятлари ҳам камайиб бораёпти. Ривожланган давлатларнинг барчасида мамлакат аҳолисининг аксарияти шаҳарларда истиқомат қилишмоқда. Турли стресслар, шовқин-сурон, ғала-ғовур, шахсий ҳаётнинг яширинлиги, инсонлар орасидаги самимиятнинг камлиги, кўчадаги манзараларнинг бир-бирига ўхшашлиги (атроф-муҳитнинг бир хиллиги), табиатдан узилиш, буларнинг бариси шаҳар ҳаётининг ажралмас бир қисмидир. Бу инсонларда шаҳар ҳаётидан, ўз муҳитидан қочиб чиқиб кетиш

²⁵ X. M. Mamatqulov, A. B. Bektemirov, I. S. Tuxliyev, A. N. Norchayev Xalqaro turizm T:2009- 192 b

истагини туғдиради. Шаҳар аҳолсининг кўпчилиги бўш вақтдан ушбу муҳитдан самимий ижтимоий муносабатларни излаб вақтинчалик бўлсада, чиқиб кетиш ва табиат кўйнига қайтиш учун имконият сифатида фойдаланишмоқда.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг, Ғарбий Европа мамлакатларида жамиятнинг маънавий-руҳий қадриятларида кучли силжишлар юз берди. Ижтимоий онгдаги бу ўзгариш жараёнини В. Фрайдер «иш вақти жамиятидан бўш вақт жамиятига ўтиш» деб номлади. Профессор Х. Опашовскийнинг қайд қилишича, инсон иш жойида ўз меҳнати предметида узоқлашиб бориши билан унинг бўш вақт билан боғланиб бориши ортади. Ўзининг меҳнатсеварлиги анъанаси билан машҳур бўлган марнлакатларда меҳнат пафоси ўзининг аҳамиятини йўқотиб борди. Айниқса, Германия ва Японияда ёш авлод вакиллари уруш даври авлодлари ва ундан кейинги авлодларнинг азалий қадриятларидан воз кеча бошлашди.²⁶

Ижтимоий онгдаги ўзгаришлар қуйидагиларни кўзда тутди:

- Истеъмолчининг маънавий-руҳий ва маданий қадриятларининг ўзгариши;

- Бўш вақт концепсияси назариясининг ўзгариши.

1950-йилларда бўш вақтга меҳнат унумдорлигини давом эттириш мақсадида жисмоний ва ақлий кучларни қайта тиклаш воситаси сифатида қараш устун эди; И960-1970-йилларда бўш вақтдан жамият фаровонлигини оширувчи моддий неъматлами истеъмол этиш учун фойдалана бошланди (кўчмас мулк, узоқ муддатли фойдаланиш товарларини, ҳашамат ашёларини харид этиш ва бошқалар); 1980-йиллардан кейин бўш вақтнинг деталлашуви тенденцияси устун бўла бошлади: асосий мақсад моддий неъматлами истеъмол этилишининг ўзидан эмас, балки, ҳаётдан лаззатланишдан иборат бўлди. Бўш вақт психологиясининг бундай ривожланиши туфайли жамият эҳтиёжлари тузилмасида туризмнинг ўрни ва аҳамияти ўзгариб кетди.

²⁶ F. K. Kamilov Z. K. Kamilov Xalqaro turizm bozori T: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti 2011 144 b

Туризм бир вақтлар фақатгина танланганларгагина дабдабадорлиги имконияти бўлган бўлса, энди у аксарият кўпчиликнинг асосий имкониятларига айланди. Масалан, 1950-йилда Германия аҳолисининг фақат 1 фоизигина чет элда дам олиш имкониятига эга бўлган. Ҳозир Германиянинг 60 фоиз аҳолиси чет элларда дам олади. Интеллектуал ва маданий туристик эҳтиёжиар ҳам ўзгарди: оддий эҳтиёжиардан янада юксакроқ эҳтиёжларга ўтилди; иш кучини қайта тиклаш воситасидан инсоннинг ўз шахсий имкониятларини юзага чиқариш ва интеллектуал талабларга жавоб бериш усулига ўтилди.

Туризмнинг рекреация ва бизнесдаги самарасидан ташқари, унинг коммуникацион аҳамиятига ҳам эътибор бериш лозим; гуманитар, маданий-маърифий алоқаларни ўрнатиш, дўст-қариндошлар билан учрашиш, диний зиёратчилик ва этник туризмга қизиқиш ҳам ортиб бормоқда.

Фойда салбий аҳамият ҳам касб этиши, яъни зарар шаклида ҳам бўлиши мумкин. Трансферт нарх шаклланиш механизми ёрдамида фойда бир мамлакатдан бошқасига оқизмай-томизмай ўтказилиши мумкин.

Айрим мамлакатларда (Шри-Ланка, Филиппин, Индонезия ва ҳоказо) хорижий инвесторларга туристик корхоналардан олинган даромадларни ўз мамлакатига чекланмаган миқдорда эркин олиб кетиш кафолати берилган. Масалан, Гамбияда туристлар олиб келадиган хорижий валютанинг атиги 15% игина ушлаб қолишга мувофиқ бўлинади.

Қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётида халқаро туризмни қўшиш маҳаллий ишчи кучларини жалб этиш (гап янги иш турлари ҳақида бораяпти, юқори малака ва махсус тайёргарликни талаб қилмайди), туристик мажмуа (комплекс) жиҳозлашда маҳаллий материаллардан, шунингдек, хорижий ташриф буюрувчиларни овқатлантириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан фойдаланиш йўли билан амалга ошиши мумкин.

Ҳозирги замон жаҳон бозори ривожланиши тенденцияси ичида, хусусан туристик соҳада глобаллашув жараёнлари эътиборни тортади. Глобал иттифоқлашув моҳияти шундан иборатки, инсон, молиявий ва

илмий-техник ресурслар ютуққа эришиш учун турли фирмалар билан бирлаштирилади. Ҳамкорлик ёрдамида мақсадга эришишнинг самаралироқ йўллари белгилаб олинади. Улар биргаликда ҳар бир иштирокчи томонининг ютуқларидан фойдаланишади. Умумий дастуми амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни тақсимлайдилар ва қалтисликларга баҳамжиҳат қўл урадилар.

Бунинг ёрқин мисоли қилиб, туристик маҳсулотларни бронлаштириш, глобал компьютер тизимининг бирлаштирилишини кўрсатиш мумкин. Улар туфайли авиакомпанияларнинг ташқи алоқа тизимлари отеллар, турагентликлар, автомобиллар ижараси (прокати) ва бошқалар компьютер тармоғи мажмуалари билан уланган. Булар туристик хизматлар пакетларини бронлаштириш ёки уламинг алоҳида элементлари авиаучишлар, отелларга жойлаштириш, театрларга чипталар сотиш, суғурта полисларига буюртмалар бериш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, жаҳонда халқаро туризмнинг ҳозирги ривожланиши ахборат-технологиялари, аҳоли бўш вақтининг ва жамғариш функциясининг ортиши билан боғлиқ. Бу эса жаҳон хўжалигида туризм индустрияси улушининг ортишига хизмат қилади.

1.3. Иқтисодиётни диверсификациялашнинг услубий жиҳатлари

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ташқи савдо диверсификациялашувининг замонавий глобаллашув шароитида долзарбилиги ортиб бормоқда. Ташқи савдони таркибий ислоҳ этишда унинг товар ва географик таркибини мукаммалаштириш назарда тутилади. Товар номенклатурасини кенгайтириш ва уларнинг умумий экспорт(импорт)да тенг улушларга эга бўлишини таъминлаш иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги шу гуруҳ товарларига бўлган нарх ва талаб ўзгаришларига боғлиқлик даражасини пасайтиради, бу билан ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларнинг иқтисодиётга таъсири юмшатилади. Мамлакат ташқи

савдоси, хусусан, экспортнинг диверсификациялашуви иқтисодий ўсишга ҳам ижобий таъсир этади. Бу эмпирик кузатиш ва тадқиқотлар орқали исботланган. Ушбу жараён икки босқичда амалга ошади. Биринчи босқичда экспортга йўналтирилган тармоқлар сони ва товар турларининг кенгайтирилиши экспортдан тушадиган фойда миқдорининг ўсишига олиб келади ва барқарорлик даражасини оширади. Иккинчи босқичда эса экспортдан тушган даромад иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ривожлантиришга йўналтирилади ва оқибатда умумий иқтисодиётда ўсиш кузатилади. Экспортни диверсификациялашни талаб этувчи иккинчи омил анъанавий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати аҳоли сонининг ўсиш суръатидан паст. Натижада аҳоли жон бошига даромад тушиб боради ва бу турмуш даражасининг пасайишига олиб келади.

Шу каби хусусиятлари сабабли мамлакатлар ташқи савдони диверсификациялаш масалаларига улкан эътибор қаратганлар. Уларнинг тажрибасини ўрганиш эса мамлакатимизда амалга оширилаётган диверсификация сиёсатининг самарали йўналишларини белгилашда муҳим ўринга эга. Ташқи савдони диверсификациялашда икки йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Экспорт мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида товар таркибини мукамаллаштириш ҳамда товарлар етказиб берилаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш;
- Иқтисодий мустақилликни таъминлаш, ҳамкор мамлакатлар иқтисодитига боғланиб қолишни олдини олиш мақсадида импортнинг товар ва геофик таркибини диверсификация қилиш.

Импортни диверсификация қилиш экспортга йўналтирилган тармоқларни қўллаб-қувватлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш мақсадида ҳам амалга оширилиши мумкин. Чунки экспорт имкониятлари юқори бўлган тармоқларга импорт қилинган юқори технологияларни жорий этиш тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини оширади, тоаврнинг сифати яхшиланади ва рақобатбардошлиги ортади.

Бир неча хорижий мамлакатларнинг ижобий натижаларга эришгани мисолида ташқи савдони диверсификациялаш усуллари ва йўналишларини кўриб чиқишимиз мумкин. Ташқи савдони диверсификациялаш усулининг Австралия тажрибасини олайлик. Экспортни диверсификациялашда амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуасини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: инвестицион, информацион ва молиявий. Биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётининг экспортга йўналтирилган тармоқларига йўналтириш сиёсати амалга оширилди. Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Австралия Савдо Комиссияси томонидан экспортчиларга хорижий мамлакатларнинг савдо-иқтисодий сиёсати, шароитлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш тизими ишлаб чиқилди. Кичик корхоналарининг экспорт фаоллигини ошириш, экспортга руҳлантириш мақсадида эса уларга товарларни хориж бозорларига олиб чиқишдаги харажатларни қисман қоплаш учун давлат томонидан молиявий ёрдамлар тақдим этиш ҳам йўлга қўйилди.

Ушбу сиёсатларнинг ижобий натижалари сифатида мамлакат экспортида юқори технологияларга асосланган ҳола ишлаб чиқилган маҳсулотлар (биотехнология, ахборот-телекоммуникация, экологик маҳсулотлар) улуши ортиб бормоқда. Бундан ташқари экспортда хизмат турлари: туризм ва таълимнинг улуши ҳам сўнгги йилларда ўсиб бормоқда. Экспортнинг географик таркибида ҳам ижобий силжишлар кузатилди. Яқин Шарқ ва Лотин америкаси мамлакатлари билан савдо алоқалари ҳажми кўпайди. Бу каби ижобий натижалар олиб борилган иқтисодий сиёсатнинг самарали эканини исботлайди.²⁷

Бир қатор Осиё мамлакатлари сингари Хитой иқтисодиёти ҳам экспортни қўллаб-қувватлаш эвазига ривожланиб келмоқда. Хитой экспортининг ўзига хос хусусияти ташқи бозорга йўналтирилган ишлаб

²⁷Юдаева, К. Как нам диверсифицировать экспорт ? / К. Юдаева // [Электрон манба] . 2005 . № 3. -68 с.

чиқаришнинг диверсификациясига катта эътибор қаратилгани, экспорт товарларида нарх рақобатбардошлигининг баландлигида намоён бўлади. Давлатнинг ушбу йўналишдаги сиёсатида ҳам, инвестицияларни тақсимлашда ҳам айнан экспортнинг диверсификациялашув даражасини кўтариш мақсади биринчи ўринда туради (рақобатбардошлигини оширишдан ҳам муҳим йўналиш сифатида қаралади). Минтақа мамлакатлари экспортига хос бўлган яна бир хусусият ишлаб чиқаришда юқори малакани кам талаб этувчи маҳсулотлар экспортига ихтисослашганидир. Чунки минтақанинг ишчи кучига бой экани меҳнат талаб этувчи тармоқларнинг ривожланишига замин яратади.

Малайзия учун экспортни ривожлантириш имконияти жуда юқори баҳоланади. Қулай географик жойлашув ва кўплаб савдо портларининг мавжудлиги мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтиради. Мамлакатда иқтисодий ислохотлар дастлаб қуйидаги йўналишларда олиб борилди:

- Ер ва ўрмон ресурсларнинг самарадорлигини ошириш;
- Алоқа, транспорт ва энергия таъминоти инфратузилмасини ривожлантириш.

Ўтган асрнинг 70 йилларидан эса мамлакат экспортга йўналтирилган ташқи савдони ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Экспортда арзон ишчи кучига таянган саноат тармоқларининг улуши юқори бўлган. Давлат экспортга йўналтирилган тармоқларда энг кам иш ҳақи нормасини белгиламаган ва қасаба уюшмаларининг фаолитини чеклаган.

Макроиқтисодий сиёсатда ҳам ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш масаласи устувор саналган. Экспорт салоҳиятини ошириш ва ташқи бозорда Малайзия рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор дастурлар амалга оширилган бўлиб, унда экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватловчи давлат кредитлари ва субсидиялари, ташқи бозорни ўзлаштиришда давлатнинг молиявий ёрдамларини бериш асосий инструментлардан ҳисобланган.

Иқтисодиётни, хусусан, экспортни ривожлантиришда Индонезия тажрибасида ҳам ижобий натижаларга эришилган. Нефть ва нефть маҳсулотларининг экспортидан тушган даромад давлат томонидан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган. Ислохотларнинг дастлабки босқичида экспортдан олинган даромад қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янгиликларни амалга тадбиқ этиш ва гуруҳнинг юқори ҳосилдорликка эга навларини етиштиришни ривожлантиришга сарфланган. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши саноатда фаолият юритувчи асосий қисм аҳолини арзон озиқ-овқат билан таъминлаш имконини берди.

Малайзия ва Индонезияда амалга оширилган миллий валюта девальвацияси ишлаб чиқариш харажатларини тушиши ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражасининг ортишига сабаб бўлди.²⁸

Чили ташқи савдони ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқди ва амалага оширди. Биринчидан, иқтисодиётни қайта таркибий ташкиллаштириш ва инвестициялар жалб этиш мақсадида пул-кредит сиёсати олиб борди. Ишлаб чиқарувчиларга экспорт фаолиятини йўлга қўйиш, ташқи бозорларда маркетинг ишларини олиб бориш давлат кредитлари ҳисобига молиялаштирилди.

Иккинчидан, экспортни диверсификациялаш чора-тадбирлари амалга оширилди:

- Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати экспортини ошириш
- Иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган ва илм талаб тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;
- Минтақавий савдога интеграциялашувни тезлаштириш;
- Иқтисодиётнинг ресурс талаб ва бошва тармоқлари ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш.

²⁸Юдаева, К. Как нам диверсифицировать экспорт ? / К. Юдаева // ProetContra [Электронный ресурс] . 2005 . № 3. Режим доступа : <http://www.carnegie.ru/ru/pubs / procontra/73663.htm>. Дата доступа : 09.08.2006. -68 с.

Учинчидан, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги кучайтириш масалаларига катта эътибор қаратилди.²⁹ Айнан шу сиёсат орқали Чили Фонди ташкил этилган, ва бу Фондда давлат пуллари шаклланган. Тўпланган маблағлар эса ноанъанавий лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланган. Бугунги кунда экспортга йўналтирилган вино ва балиқ саноатнинг ривожланишида ушбу Фонднинг аҳамияти катта. Шундай сиёсат натижасида мамлакатда узоқ муддат давомида ташқи савдонинг ўсиши таъминланди, экспортнинг вертикал диверсификациялашуви кузатилди ва ташқи савдони ривожлантиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.³⁰

Таиланд мисолида ҳам ижобий натижаларга олиб келган давлат сиёсатини кўришимиз мумкин. Икки турдаги товарлар экспортини кучайтиришга катта эътибор қаратилди: мамлакат устунлиги таъминланган ресурслар ва меҳнат сиғиси юқори бўлган электроника ва текстил саноати маҳсулотлари. Таиланд ҳамда Малайзия иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг таъсири ҳам катта. Анъанавий ва қиймати юқори бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш агросаноатнинг ривожланишига туртки бўлди. Таиланд гуруч ва каучук экспортини кенгайтирди, Малайзияда эса пальма ёғи ва каучук экспорти бўйича агентлик ташкил этилди. Ҳом ашё ресурслари экспортининг ривожлантирилиши 90 йилларда тайёр маҳсулотлар экспортига салбий таъсир этган инқироз даврида ўзини оқлади ва мамлакат иқтисодиётини инқироздан сақлаб қолди.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши Коста-Рика экспортида ҳам ижобий натижаларни берди. Мамлакат экспорти 1961-1982 йилларда очик иқтисодиётга ўтишда йилига ўртача 14 фоиздан ўсди. Ислохотларни амалга оширишда дастлаб ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигига урғу берилди. Давлат томонидан молиявий ёрдам эса анъанавий экспортни (қаҳва, банан,

²⁹ Bonaglia, F. Export Diversification in Low-Income Countries : An International Challenge after Doha / F. Bonaglia, K. Fukasaku // Organisation for Economic Cooperation and Development [Electronic resource]. 2003. Working paper № 209. Mode access : www.oecd.org/dataoecd/13/28/8322001.PDF. Date of access : 10.08.2006. -20 c.

³⁰ Юдаева, К. Как нам диверсифицировать экспорт ? / К. Юдаева // ProetContra [Электронный ресурс] . 2005 . № 3. Режим доступа : <http://www.carnegie.ru/ru/pubs / procontra/73663.htm>. Дата доступа : 09.08.2006. -68 c.

гўшт маҳсулотлари, какао) кенгайтириш ва янги тармоқларнинг экспорт фаолиятини компенсациялаш учун тақдим этилди. Экспорт тармоқ таркибининг кенгайиши билан (1980 йиллар) мамлакатда ташқи савдо тўсиқлари олиб ташлана бошланди.

Ушбу мамлакатлар экспорти узоқ муддат ҳам ашёга ихтисослашганига қарамасдан олиб борилган чора-тадбирлар экспортнинг такомиллашига сабаб бўлди. Мамлакатларда олиб борилган иқтисодий сиёсатни амалга ошириш хусусиятлари бир-биридан фарқ қилсада, уларда қуйидаги умумийликни кўриш мумкин:

Биринчидан, иқтисодий сиёсатдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш бўлган.

Иккинчидан, энг муҳим йўналиш сифатида экспорт базасини такомиллаштириш, экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш масалалари олинган.

Учинчидан, мамлакатларда иқтисодий ислохотлар давлат томонидан олиб борилган. Яъни иқтисодий жараёнлар, ривожлантириш йўналишлари давлат томонидан белгилаб берилган. Давлатнинг қуйидаги йўналишларда олиб борилган ҳамкорлиги экспорт самарадорлигини оширганини кўришимиз мумкин:

- Қулай ҳуқуқий-норматив базани яратиш;
- Молиявий қўллаб-қувватлаш, кредит, субсидиялар тақдим этиш;
- Маркетинг фаолиятини олиб боришда кўмаклашиш, ахборотлар тақдим этиш, маҳсулотларни етказиб беришда давлат қафолатларини тақдим этиш.

Жаҳон тажрибаси доим ҳам юқоридаги мисоллар каби ижобий яқун топмаган. Диверсификация йўналишларини белгилашда иқтисодий имкониятлар ва оқибатлар чуқур таҳлил қилиниши лозим. Кения мисолида экспорт диверсификацияси кутилган натижаларни бермаганлигини кўриш мумкин.

Кенияда анъанавий саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари(чай, қаҳва) экспортини камайтириш, мева ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш,гуллар ва ҳўл мевалар, текстил тармоғининг экспортдаги ролини оширишга катта эътибор қаратилди. Натижада Кения бугунги кунда боғдорчилик маҳсулотлари ва гуллар етиштириш бўйича минтақада етакчи ҳисобланади, лекин қайта ишлаш тармоқларининг экспортдаги улуши кам, бу эса ўз навбатида экспорт самарадорлигини паст бўлишига сабаб бўлади.

Иқтисодиётнинг бир тармоғини бошқа тармоқлардан ажратилган ҳолда ривожлантириш мумкин эмас. Буни Уганда тажрибаси мисолида яққол кўриш мумкин. Уганда 1990 йилларга қадар ҳам балиқ экспортига ихтисослашган мамлакат эди. Экспортда қайта ишланган балиқ маҳсулотларининг улушини ортиши билан экспорт самарадорлиги ҳам ортиб борди. Бугунги кунда тармоқ ҳиссасига йилига 200 млн АҚШ доллари миқдорида фойда, иқтисодиёт банд бўлган 200 минг киши тўғри келади. балиқ маҳсулотларининг 10 фоизи минтақа бозорларида сотилади, асосий қисми эса ярим тайёр маҳсулот сифатида Европа мамлакатларига экспорт қилинади. Лекин тармоқнинг ривожланиши бир қатор муаммоларни вужудга келтирди. Бу муаммолар, айниқса, чиқиндиларни қайта ишлаш, маҳсулотларни сақлаш ва ташиш, сифат даражасини Европа талабларида бўлишини назорат қилишда намоён бўлди. Давлат томонидан бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида Угандадан балиқ экспорт қилувчилар ассоциацияси ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси мамлакатда тармоқ вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, тармоқлараро кооператив алоқаларни кучайтириш ва тармоқ вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат ҳисобланади. Ташкилот фаолияти давомида мамлакатда транспорт хизматлари нархи ва сифати истеъмолчилар фойдасига ўзгартирилди. Бу амалиёт ҳам жаҳоннинг бошқа ривожланган

мамлакатларида самарали усуслардан бири сифатида қўлланилиб келинмоқда.³¹

Иқтисодиётни диверсификация қилишда давлатнинг иштироки асосан ривожланаётган мамлакатларда кузатилади. Чунки иқтисодий ривожланган мамлакатларда экспортнинг диверсификациялашуви жараёни иқтисодиётнинг ривожланиши билан биргаликда табиий жараён сифатида юз беради. Ривожланаётган мамлакатларда эса иқтисодий жараёнларни тезлаштириш мақсадида давлат томонидан қулай муҳит яратиб берилади.

Шу хусусиятига кўра диверсификация жараёнларини икки гуруҳ таснифлаш мумкин:

- Табиий диверсификация - давлат ёки алоҳида ташкилотларнинг аралшувисиз, талаб ва таклиф ўзгариши билан юз берувчи диверсификация жараёнлари;

- Қувиб етувчи диверсификация – иқтисодий барқарорликни таъминлаш, рақобатбардошликни ошириш мақсадида давлат иқтисодий сиёсати орқали рағбатлантириладиган диверсификация жараёнилари.

Қувиб етувчи диверсификацияда ривожланаётган мамлакатлар асосий йўналишларни белгилашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши мумкин.

Хориж тажрибасини ўрганиш ва миллий иқтисодиётга тадбиқ қилишда мамлакатнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари инобатга олиниши лозим. Бунда мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни, ташқи савдосининг ўзига хос жиҳатлари ва экспорт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни диверсификациялашнинг миллий модели (стратегияси) ишлаб чиқилиши лозим. Бундай хусусиятлар инобатга олинмаган ҳолда иқтисодий ислохотлар кутилаётган натижаларни бермагани ҳолда, салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

³¹Юдаева, К. Как нам диверсифицировать в экспорт ? / К. Юдаева // ProetContra [Электронный ресурс] . 2005 . № 3. Режим доступа : <http://www.carnegie.ru/ru/pubs / procontra/73663.htm>. Дата доступа : 09.08.2006. -68 с.

1-боб бўйича хулосалар

1. Турли таърифларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида диверсификациялаш атамасига қуйидагича таъриф бердик: Диверсификациялаш – бу бирор-бир маҳсулот ёки маҳсулотлар гуруҳи ишлаб чиқариш ёхуд хизматлар кўрсатишга боғлиқликни камайтириш, капитални оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқени мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

2. Халқаро туризм иқтисодиётнинг транспорт, алоқа, савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли ишлаб чиқариш каби асосий тармоқларига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатиб, мультипликатив самара беради ва миллий иқтисодиётни диверсификациялашнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Халқаро туризм аҳоли бандлигига кучли ижобий таъсир кўрсатади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра дунё бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар 15 тадан биттаси туризм ёки унга туташ тармоқларда банд. Бу соҳада географик нуқтаи назардан янги иш ўринлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан кенгроқ тарқалган бўлади.

3. 2014 йилда жаҳон бўйича туристлар оқими бир қатор сиёсий муаммоларга қарамай 5 фоизга ўсганлигин коузатиш мумкин. Агарда 2013 йилда дунё бўйича туристлар оқими 1087 млрд. кишини ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 1155 млрд. га етди. Яна шуниси аҳамиятлики Бутунжаҳон туризм ташкилоти берган 2010-2020 йилларда дунё туризм прогнозларига кўра 2014 йилда ўсиш кўрсаткичи 3,8% бўлиши керак эди, лекин бу кўрсаткич 5% ни ташкил қилди. Бу эса жаҳонда туризм жадал ривожланиш йўлида эканлигидан далолатдир.

4. Товар номенклатурасини кенгайтириш ва уларнинг умумий экспорт(импорт)да тенг улушларга эга бўлишини таъминлаш иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги шу гуруҳ товарларига бўлган нарх ва талаб ўзгаришларига

боғлиқлик даражасини пасайтиради, бу билан ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларнинг иқтисодиётга таъсири юмшатилади. Мамлакат ташқи савдоси, хусусан, экспортнинг диверсификациялашуви иқтисодий ўсишга ҳам ижобий таъсир этади.

II БОБ. ХАЛҚАРО ТУРИЗМ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

2.1. БААда халқаро туризм ривожланишининг ҳозирги ҳолати

Бутун жаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, 2014 йилда жаҳонда туристик оқимлар 5 фоизга кўпайди ва бу кўрсаткич 1.155 млрд. кишини ташкил этди

Яқин Шарқ ва Форс Кўрфази ўзининг ноёб маданияти ва анъаналарига бойдир. Сектор инфраструктураси ва йўловчиларни ҳавода ташиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Давом этаётган ўзгаришлар улкан имкониятларни тақдим этмоқда. Агар Бирлашган Араб Амирликлари ҳақида гапирадиган бўлсак, йилдан-йилга мамлакат минтақада ўзининг барқарор сиёсий ҳолати ва ривожланган инфраструктураси, хизматнинг юқори стандартлари туфайли туристлар учун янада жозибали бўлиб келмоқда. 1980-йилларда Бирлашган Араб Амирликларининг хизмат кўрсатиш соҳасининг туризм тармоғига сармоя қўйиш самарасиз, истиқболсиз деб ҳисобланган эди, бунинг асосий сабабалари қуйидагилар эди:

1. Мамлакат ҳудудининг сувсиз иқлимда жойлашганлиги;
2. Мамлакатда хорижий сайёҳларни жалб қилишда баъзи хавф-хатарларнинг мавжудлиги эди.

Лекин ҳозирги кунда нафақат Яқин Шарқ минтақасининг балки бутун дунёнинг асосий савдо марказига айланиб бораётган биргина Дубай шаҳрига 2013 йилда салкам 10 млн. туристнинг ташриф буюргани бу соҳанинг нақадар тез суръатлар билан ривожланганлигидан далолатдир.

Кишилар табиат қўйнига чиқиб, жуда кўп манзарали жойларни кўриш ва улардан баҳраманд бўлишга интилади. Сайёҳлик, дам олиш учун табиий шароитнинг хилма-хиллиги даражаси ва хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Яъни маълум бир ҳудуднинг ландшафти, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот

дунёси хилма-хиллиги кишиларнинг дам олиши, ўз саломатлигини тиклаши учун асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли сайёҳлик фирмалари экзотик, бетакрор табиий объектларни кўпроқ реклама қиладилар.

Туризмни ривожлантиришда мамлакат ҳудуднинг географик ўрни, яъни унинг денгиз ва океанга яқинлиги, қирғоқ чизикларининг хусусияти, турли хил сув, автомобил ва темир йўллар билан кесишиш жойи, тоғли ва ўрмон манзарали жойларга яқинлиги, улар билан таъминланганлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Бирлашган Араб Амирликлари Арабистон яриморалининг шарқида жойлашган бўлиб, етти амирлик Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Ажман, Умм ул-Қайвайн, Ал-Фужайра ва Раъс ул-Хаймдан иборат федерациядир. Денгиз қирғоғи кам парчаланган, аксарият ҳудуди дашт текислик, фақат Шарқидагина 1127 метргача кўтарилган тошлоқ плато мавжуд.³² Бундай жойлашиш натижасида Форс қўлтиги қирғоқлари мамлакатда туризм соҳасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда қирғоқбўйи ҳудудларнинг қуйидаги мезонлари микроиклим, денгиз ва океан сувларининг қуруқликка туташ бўлган жойларида сувнинг ҳарорати, чуқурлиги, сув тўлқинлари, кўтарилиши, қайтиши, оқимлар, сувнинг шифобахшлиги, тозалиги, тиниқлиги, денгиз суви тагининг рельефи, сувдаги йиртқич балиқлар ва ҳайвонларнинг бор-йўқлиги ҳоказо, қирғоқ чизикларининг тузилиши, пляжлардаги қумлар ва ётқизикларнинг сифати, ранги, шакллари туристларни мамлакатга жалб қилиш учун муҳимдир.

Кўп минглаб туристларнинг келиб кетишида туристик ўлканинг ер усти тузилиши - рельефи катта рол ўйнайди. Тоғли, хуш манзарали, мураккаб рельеф тузилишига эга бўлган ўлкалар туристлар оқимини ўзига кўпроқ жалб қилади. Тоғли ўлкалар ўзининг тоза ва соф ҳавоси билан ажралиб, тоғ спортини ривожлантириш имконини туғдиради

³² O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi T: Davlat ilmiy nashriyoti 20001 II-tom 54-b

Туризм ривожланишининг энг муҳим инфратузилмаси – транспорт тизимининг ривожланганлигидир. Бирлашган Араб Амирликлари жуда ривожланган транспорт тизимига эга, у ҳам ички туризм, ҳам хорижий туризмни ривожлантириш учун қулай. Ҳозирги кунда Абу-Даби, Дубай, Шаржа ва бошқа шаҳарларда 14 халқаро аэропорт фаолият юритмоқда.

Шуниси ачинарлики йер юзидаги жуда кўплаб давлатларнинг аҳолиси туризм мақсадида хорижга чиқишга қодир эмаслар. Асосий сабаб олинадиган маошнинг камлиги ёки аҳолининг камбағаллигидир. Хорижий мамлакатларда сайёҳатга борадиган туристлар, одатда, ўша ерда нималарни харид қилишга қизиқади. Бу ноёб, маҳаллий хунармандчилик маҳсулотларини, ёдгорликлар, қариндош уруғлари, оила аъзолари учун харид қилишидир. Бирлашган Араб Амирликлари хорижий туристларга узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар (кийим-кечаклар, рўзғор буюмлари, электроника, телефон, видеотехника асбоблар)ини сотишга ихтисослашган.

Туризм индустрияси - туризм фаолиятининг туристларга хизмат кўрсатишини таъминловчи турли субъектлари мажмуидир. Бунинг ичига транспорт, алоқа, умумий овқатланиш, маданиятни киритиш мумкин.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиётида нефть асосий донор тармоқ ҳисобланади, лекин сўнги йилларда нефтдан келадиган даромад ҳисобига бошқа соҳаларни ривожлантириш иқтисодиётни диверсификациялаш сингари кўплаб ишлар амалага оширилмоқда. Буни мамлакат ЯИМда туризм соҳасининг йил сайин ортиб бориши орқали кузатишимиз мумкин. Шу ўринда бундай ютуқларга асосан мамлакатда туризм соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва доимий равишда ушбу соҳа ривожига эътибор қаратиш ётади.

Бирлашган Араб Амирликларида туризмни ривожлантириш ва тараққий топтириш учун қуйидаги йўналишлар белгилаб олинган:

Биринчидан, халқаро туризм соҳаси бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш ва назоратни кучайтириш;

Иккинчидан, туризм учун хизмат қилувчи инфратузилмани ривожлантириш;

Учинчидан, туризмнинг барча турларини ривожлантириш;

Тўртинчидан, хорижий сармоядорларни жалб этган ҳолда туристик марказлардан оқилона фойдаланиш, замонавий туристик мажмуаларни қуриш, хорижий сайёҳлар учун имконият ва қулайликлар яратиш;


Бешинчидан, йирик хорижий фирма ва компаниялар билан биргаликда қўшма туристик хизматлар ва ташкилотларни тузиш;

Олтинчидан, жаҳон бозорида талаб қилинадиган янги туристик йўналишларни ва хизматларини кенг ёйиш;

Етинчидан, туризм соҳаси учун малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мамлакатга хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

Саккизинчидан, халқаро савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантириш ҳисобига мамлакатга бизнес ва ишбилармонлик муҳитида сайёҳлар жалб қилиш;

Тўққизинчидан, мамлакатда йирик анжуман ва кўргазмаларни ташкил қилиш ҳисобига халқаро туризмни ривожлантириш.



2.1.1-расм. Бирлашган Араб Амирликларида туризмнинг ЯИМдаги улуши, %

Манба: UNWTO NEWS. www.unwto.org. Magazine of the Tourism Organization, Year XXIII, Issue 2/2014. – P.3

Мамлакат иқтисодий тараққиётини белгиловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткич бевосита ЯИМ ҳисобланади. Унинг тармоқ таркиби эса мамлакатда қай йўналишда иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётганлигида далолат беради. Хусусан Бирлашган Араб Амирликларида туризм янги минг йилликнинг бошида ривожланган, агарда 2004 йилда ЯИМ нинг 2,55 фоизии туризм соҳаси ҳисобига шакллантирилган бўлса, бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлиб 2009 йилда 4,1 фоизни ташкил қилди, аммо ўша йилларда жаҳонда юз берга иқтисодий инқироз аҳоли даромадларининг пасайиши ҳисобига аҳолида иккинчи даражали маҳсулотларга нисбатан харажатни камроқ қилишига олиб келди. Шунга қарамай Бирлашган Араб Амирликларида 2010 йилда ЯИМда туризмнинг улуши 4 фоиз атрофида сақланиб қолди ва 2014 йилда ҳам бу кўрсаткич мос равишда 4 фоизни ташкил қилди. Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодчи олимлари томонидан келтирилган маълумотларга кўра 2024 йилда ҳам ушбу кўрсаткич 4 фоиз атрофида сақланади. 2016 йилга келиб Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрувчи туристлар сони 15 млн. га етиши кутилмоқда.

Фан-техника ютуқлари туризм индустрияси ва меҳмондўстликда, йўловчилар ташишда, ахборотлар алмашиш соҳаларида кенг кўламда фойдаланилмоқда. Ҳаво транспортида янги замонавий тез юрар, йирик пассажирлар ташишга мўлжалланган ҳаво кемаларнинг ишлаб чиқарилиши сабабли сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳам ривожланиб бормоқда. “Emirate Airlines” мамлакатнинг миллий авиакомпанияси бўлиб, минтақадаги айнан шу соҳадаги энг йириги ҳамдир. 100 дан ортиқ йўналишларда қатновларни амалга оширади. Телекоммуникация технологиялари ва электроника саноатининг ривожланиши компьютер тизимида меҳмонхона ўринларини, транспортда чипталарни банд қилишга имкон яратди. Янги технологияларнинг пайдо бўлиши туристик маҳсулотларни ташкил этишда ва уларни сотишда сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Халқаро туризмнинг келажакда ривожланиши биринчи ўринда туристик маҳсулотларнинг


такомиллашуви, профессионал турагентлик тармоқларининг ривожланишини, туроператорлар маҳсулотлари соҳаси, маркетинг хизматларининг фойдаланиш даражаси ва инсон омиллари билан боғлиқлиги бўлиб ҳисобланади.

Бирлашган Араб Амирликларига келувчи туристларга жуда кенг доирада юқори даражадаги сервис кўрсатилади. Меҳмонхоналар, мотел, хусусий квартиралар, кемпинглар турли тўлов қобилятига эга бўлган туристлар учун жуда қулайлик яратади. Меҳмонхоналарнинг бир неча йўналиши мавжуд: Президент, супер люкс, люкс, биринчи, иккинчи, учинчи йўналишли. Бир кунлик туриш қиймати арзон меҳмонхоналарда 50 АҚШ долларида, Президент, супер люкс меҳмонхоналарида 20000 АҚШ доллари ва ундан юқори нархларда бўлади. Ҳозирда барча туристлар учун мўлжалланган меҳмонхоналар замонавий спорт заллари, жиҳозлари, бассейн, сауна, боулинг соғломлаштириш комплекслари ва кенг ривожланган инфраструктура тизимига эга. Дискотека, караоке, барлар, дам олиш хоналари, ёш болалар учун қулайликлар яратилган. Куну-тун турли қизиқарли тадбирлар сайёҳлар учун, болалар учун ташкил этилган. Шунингдек, мамлакт ислом давлати бўлиб, мамлакатда барча нарса айнан ислом анъанларига мослаштирилган. Истисно тариқасида айрим махсус жойлардагина хорижий сайёҳлар учун маълум даражадги барлар, ўйин клублари ташкил қилинган, уларга маҳаллий фуқароларнинг кириши қатъиян тақиқланган.

Шу ўринда Бирлашган Араб Амирликларида халқаро туризмни ривожлантиришда инвестицияларнинг ҳам муҳим ўрни мавжуд, хусусан мамлакатда 1987 йилда қабул қилинган “Инвестиция Дастури”нинг вазифалари қуйидагилар:

➤ Қирғоқ бойи ҳудудлардаги йирик шаҳарларда камида 100 та халқаро тоифадаги 4 ва 5 юлдузли мақомига эга бўлган меҳмонхоналарни қуриш;

- Мамлакатнинг Шарқидан то Ғабигача 1000 км. узунликдаги замонавий йирик автомобил йўлини куриш;
- Йирик халқаро аэропортларни куриш-Абу-Даби, Дубай, Шаржа. Ҳозирги кунда Бирлашган Араб Амирликларида 14 халқаро аэропорт фаолият юритмоқда;
- Тарихий обидаларни қайта таъмирлаш;
- Мамлакатнинг барча денгиз портларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш;
- Халқаро туризмни ривожлантириш бўйича туризм соҳаси ривожланган мамлакатлардан хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- Хорижий сайёҳларни йирик шаҳарларга жойлаштириш бойича ўз хизматини таклиф этадиган фирмалар ва кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини назоратга олиш;
- Мамлакатда инфратузилмани яхшилаш.



Манба: UNWTO NEWS. www.unwto.org. Magazine of the Tourism Organization, Year XXIII, Issue 2/2014. – P.3

2.1.2-расм. Бирлашган Араб Амирликларида туризм соҳасида банд аҳоли сонининг динамикаси

Бирлашган Араб Амирликлари ЯИМнинг 38 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида яратилади, жами банд аҳолининг тенг ярми айнан шу соҳада банд, бу эса мамлакат иқтисодиётида хизмат кўрсатиш улуши ортиб бораётганлигидан далолатдир. Мамлакатда иш билан банд аҳоли 3.705 млн. кишини ташкил қилади. Табиийки, аҳолининг аксарият қисми саноатда банд лекин, аҳоли бандлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам етакчилик қилмоқда. Агарда мамлакатда 2004 йилда 110000 киши туризм соҳасида банд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 48 мингтага кўпайгани ўлароқ 158 мингтага етганини кўриш мумкин. 2008 йилда эса иш билан банд аҳолининг 5 фоизи айнан шу соҳада банд бўлган. 2014 йилда 308 минг аҳоли туризмда банд бўлганлигини кўриш мумкин.

Бирлашган Араб Амирликларида халқаро туризм жадал сурътларда ривожланмоқда, лекин шуниси ҳам аниқки ҳали қилиниши керак бўлган ишлар, муаммолар ва камчиллар мавжуд, улар халқаро туризм ривожланишига тўсиқ бўлмоқда, хусусан:

- Мамлакатнинг иқлим шароити. Мамлакат экваторга яқин жойлашгани ўлароқ ҳарорат ёзда 35-40 градусни, қишда эса 20-25 градусни ташкил қилади. Бу эса туризмнинг мавсумийликка айланиб қолишига сабаб бўлади. Статистик маълумотларга кўра БАА га асосий сайёҳлар оқими декабр-март ойларида кузатилади;

- Миграция муаммоларининг тўлиқ ҳал қилинмаганлиги. Мамлакат аҳолисининг 85% ини хорижликлар ташкил қилади, шунингдек Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, эрон Ислом Республикаси сингари мамлактлардан ҳам келган ноқонуний мигрантлар ҳам анчагинани ташкил қилади;

- Мамлакатда қатъий меъёрлар қонун билан белгилаб қўйилганлиги. Кийим, овқат, ичимлик, одамларнинг хордиқ чиқариши ва дам олиши ислом анъаналарига зид келмаслиги керак;

- Мамлакатда туризмнинг фақат дам олиш тури ривожланганлиги, аксарият хорижлик мамлактга ишбилармонлик муҳитида келиши;

➤ Туризм оқимларининг аниқ бир тамойилга асосан ҳисобга олиниши, яъни мамлакатга хорижлик кириши учун ҳеч қандай виза талаб қилинмайди, фақатгина ўтиш постларида улар томонидан тўлдириладиган ҳужжат сайёҳлар оқимини тузишдаги асосий манба бўлиб хизмат қилади.

2.2. БААда халқаро туризм ривожланишининг омиллари ва шарт-шароитлари

Дунё тажрибасида туризмнинг ривожланиши туризм соҳасида ҳам илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бориш имкониятларини келтириб чиқармоқда. Бундан ярим аср аввал сайёҳатлар асосан дам олиш мақсадларида уюштирилган бўлса, ҳозирги кунда йигирмадан оертиқ мақсадлар хусусан соғломлаштириш, таълим, спорт, илмий изланишлар, экотуризм, ишбилармонлик, савдо-сотиқ ва бошқа кўплаб мақсадларда амалага оширилмоқда.

Туристик кўргазма объекти тузулмаси халқ ижоди, халқлар тарихи ва маданияти объектларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. БТТ тавсиясига кўра барча туристик кургазма объектлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Асрлар давомида турли ҳудудларда қуриладиган ва халқнинг бойлиги сифатида давлат томонидан муҳофаза қилинадиган тарихий ва археологик объектлар. Дубай шаҳридан 115 км. узоқликда жойлашган Ҳатта тоғ ёнбағирларида жийлашган қишлоқ 2000-3000 йиллик тарихга эга бўлиб унда 30 ортиқ тарихий уйлар сақланиб қолинган;

2. Халқнинг тарихи ва маданияти бўйича кургазма ва музейлар ёки халқ хўжалиги тармоқлари ютуқлари кўгазмалари. тур базалар, пансионатлар, дам олиш масканлари ва бошқалар шу гуруҳга кирувчи профилакторийлар, курортлар, даволаш объектларини оловчи кургазма объектлари. Яқин келажакда Бирлашган Араб Амирликлари жаҳон иқтисодиётининг асосий анжумани ҳисобланган "Ехпо-2016" ўтказиши кутилмоқда;

3. Туристларга кўрсатиладиган саноат объектлари. Булар йирик саноат, завод ва фабрикалари.

4. Халқ ижоди объектлари – булар металл, олтин, чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи хусусий ташкилотлар. Шуниси аҳамиятлики Дубй шаҳри олтин дўконларининг кўплиги жиҳатидан жаҳонда етакчи ҳисобланади.

5. Табиат – ўрмон, тоғ ландшафтлари, миллий парклар, тоғ ён бағирлари, дарё ўзанлари ва бошқа диққатга сазовор жойлар.

6. Темир йўллар шаҳарлар бўйлаб, туристларнинг экскурсияси, дам олиши ва овқатланишининг оптимал уйғунлашувидир.

2.2.1-жадвал

2008-2014 йилларда Бирлашган Араб Амирликларида туризм индустриясининг асосий кўрсаткичлари


Млрд. АҚШ доллари	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2024
Хорижий сайёҳларнинг харажатлари	16.2	19	19.25	19.27	19.74	21.84	22.49	28.46
Маҳаллий сайёҳларнинг харажатлари	8.5	8.2	7.7	6.9	7.1	7.6	8.1	9.9
Туризм истеъмоли	24.7	27.2	26.9	26.1	26.8	29.5	30.6	38.4
Туризмнинг ЯИМ даги улуши	13,7	13,5	13,6	13,1	13,9	15,3	15,9	21,6
Туризм соҳасига киритилган инвестициялар	4.3	4.3	4.8	4.8	4.9	5.7	6.2	10.2
Буджетдан ажратмалар	0.7	1.2	1	0.8	0.9	1	1.1	1.3

Манба: UNWTO NEWS. www.unwto.org. Magazine of the Tourism Organization, Year XXIII, Issue 2/2014. – P.3

Юқоридаги жадвалда Бирлашган Араб Амирликларида туризм соҳасининг асосий индикаторлари берилган бўлиб, уларнинг 2008-2014-йиллар оралиғида тақдим этилгани, бу соҳа динамикасини ўрганишда афзаллик туғдиради. Юқоридаги маълумотлар 2014 йилдаги реал баҳоларда ҳисобланган. Умумий туризм истеъмоли 2008 йилда 24,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса хорижий ва маҳаллий туристларнинг харажатлари мос равишда 16,2 млрд. ва 8,5 млрд АҚШ долларини ташкил қилган. 2014 йилда туризм истеъмоли 38,4 млрд АҚШ долларини ташкил

қилган. Хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг харажатлари мос равишда 28.4 млрд. ва 9.9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бундан кўринадики мамлакатдаги асосий туризм соҳасидаги пул оқимлари хориждан келади.

Ҳар бир соҳа сингари туризм ривожланиши учун ҳам хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. 2014 йилда туризм соҳасига хорижий инвесторлар томонидан 10.2 млрд. АҚШ доллари миқдорида капитал қўйилган бўлса, давлат бюджетидан 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилган. Аҳамият берилса 2010-2012-йилларда барча кўрсаткичларда пасайиш кузатилган. Бунинг асосий сабаби сифатида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг аҳоли даромадларининг кескин камайиши бўлди.



Манба: <http://www.википедиа.org>

2.2.1-расм. Дубай Амирлигига 2012-йилда ташриф буюрган хорижликларнинг географик таркиби

Бирлашган Араб Амирликлари туризм салоҳияти ҳақида гапирганда бевосита унинг сўнги йилларда йирик анжуманлар ва спорт мусобақалари қабул қилиб олиши, туристлар оқимини ўсишига олиб келмоқда. Хусусан анъанавий тарзда мамлакатда От ўйинлари мусобақаси бўйич Жаҳон кубоги, Халқаро Дубай раллиси, эркакалар ва аёллар ўртасида Дубай Оупен теннис мусобақаси ва бошқа кўплаб мусобақалар доимий равишда ўтказиб келинади.

Бирлашган Араб Амирликларида хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилувчи асосий диққатга сазовор жойлар сирасига Шайх Сайид Ал-Мактум яшаган уй, Дубай давлат музейи, 2000-3000 йиллик тарихга эга Ҳатта кишлоғи ва бошқаларни киритиш мумкин.


Бирлашган Араб Амирликларида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари фуқароларига 30 кунгача визасиз тартиб амал қилади. Европа Иттифоқи мамлакатлари, Канада, Австралия ва Янги Зеландия фуқароларига 90 кун муддат ичида мамлакатда бўлиш учун виза талаб қилинмайди. Агарда сизнинг ”визасиз муддатингиз” тугагандан сўнг ҳам сиз мамлакатда қолишни истасангиз, Бирлашган Араб Амирликлари Миграция бошқармасига мурожаат қиласиз ва сизга иккинчи муддат белгиланади, лекин унинг нархи 600 Бирлашган Араб Амирликлари дирҳами туради.

Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрувчи хорижий сайёҳларнинг 65-70 фоизи айнан Дубай амирлигига ташриф буюрадилар. Бунинг асосий сабаби қулай инфратузилма ва халқаро стандартларнинг амал қилишидир. Агарда 2012 йилда Дубай Амирлигига ташриф буюрган сайёҳларни кўрадиган бўлсак, 3,67 млн. киши араб мамлактларидан ташриф буюрган. Улар Жазоир, Яман, Миср мамлактларининг фуқаролари бўлиб, асосан ишлаш учун ташриф буюрганлар. Европадан 2,6 млн. киши, Осиёдан 2,1 млн. киши, Америкадан 0,68 млн. ва Африкадан эса 0,56 млн. киши ташриф буюрган. Энг паст кўрсаткич Австралия ва Океания ҳиссасига тўғри келади, яъни амирликка ташриф буюрган хорижликларнинг 4 фоизи ёки 0,23 млн. киши айнан шу минтақадан ташриф буюрган.

Бирлашган Араб Амирликларининг энг йирик ривожланган, туризм маркази шубҳасиз Дубай ҳисобланади. Бу ер жуда қизиқарли саноатлашган дам олиш жойи, аквапарк, ҳайвонот боғи, Дубай тарихий музейи, мамлакатдаги энг катта савдо маркази мавжуд, шунингдек Шаржа, Рас Ал-Ҳайма, Абу-Даби, Фужейра, Ум Ал-Қувайн амирликларида ҳам охириги йилларда нафақат халқаро туризм балки маҳаллий туризм ҳам ривожланмоқда. Мамлакатнинг асосий туристлик марказлари: Абу-Даби,

Ажман, Жумейра, Дубай, Рас Ал-Хайма ҳисобланади. Ҳозирги кунда Бирлашган Араб Амирликларида халқаро туризм қуйидагича таркибланади, яъни:

- Маълум бир йўналишли;
- Спорт-соғломлаштириш;
- Ишбилармонлик ва анжуман;
- Курорт-соғломлаштириш;
- Тадбир ва кўргазма;
- Ов туризми;
- Екотиризм;
- Шоппинг туризм;
- Диний туризм;
- Ўқув ва таълим туризми;
- Миллий ва маънавий туризм;



Манба: VISA Tourism Outlook: UAE, June 2014

2.2.2-расм. 2008-2013-йиллар оралиғида Бирлашган Араб Амирликларига таъширф буюрган хорижий сайёҳлар оқими (млн. киши ҳисобида)

Бирлашган Араб Амирликларига сайёҳлар турли мақсадларда ташриф буюрадилар. Хорижий сайёҳларнинг аксарияти, яъни 65 фоизи ёки 9.1 млн. киши ҳордиқ, дам олиш мақсадида, 5 фоизи даволаниш, спорт-соғломлаштириш, 7 фоизи илмий малакасини ошириш ва таълим мақсадида

ташриф буюради. Агарда 2008 йилда Бирлашган Араб Амирликларига 11 млн. киши таъшриф буюрган бўлса 2009 йилда бу кўрсаткич 10,9 млн. кишини ташкил қилганлигини кузатиш мумкин. 2013 йил якунларига кўра эса ташриф буюрга хорижий сайёҳларнинг сони 14,2 млн. кишини ташкил қилган.

2-боб бўйича хулосалар

1. Бирлашган Араб Амирликлари ЯИМнинг 38 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида яратилади, жами банд аҳолининг тенг ярми айнан шу соҳада банд, бу эса мамлакат иқтисодиётида хизмат кўрсатиш улуши ортиб бораётганлигидан далолатдир. Мамлакатда иш билан банд аҳоли 3.705 млн. кишини ташкил қилади. Табiiки, аҳолининг аксарият қисми саноатда банд лекин, аҳоли бандлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам етакчилик қилмоқда. Агарда мамлакатда 2004 йилда 110000 киши туризм соҳасида банд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 48 мингтага кўпайгани ўлароқ 158 мингтага етганини кўриш мумкин. 2008 йилда эса иш билан банд аҳолининг 5 фоизи айнан шу соҳада банд бўлган. 2014 йилда 308 минг аҳоли туризмда банд бўлганлигини кўриш мумкин.

2. БААда умумий туризм истеъмоли 2008 йилда 24,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса хорижий ва маҳаллий туристларнинг харажатлари мос равишда 16,2 млрд. ва 8,5 млрд АҚШ долларини ташкил қилган. 2014 йилда туризм истеъмоли 38,4 млрд АҚШ долларини ташкил қилган. Хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг харажатлари мос равишда 28.4 млрд. ва 9.9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бундан кўринадики мамлакатдаги асосий туризм соҳасидаги пул оқимлари хориждан келади.

3. Ҳар бир соҳа сингари туризм ривожланиши учун ҳам хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. 2014 йилда туризм соҳасига хорижий инвесторлар томонидан 10,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида капитал қўйилган бўлса, давлат бюджетидан 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилган.

III БОБ. ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ БЎЙИЧА БАА ТАЖРИБАСИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Бой тарихий-маданий ва табиий-иқтисодий ресурслар республикамизда хорижий ва миллий туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш шарқона меҳмондўстлик ва ғарб хизмат стандартларини ўзаро уйғунлаштиришни талаб этади. Шу муносабат билан туризм соҳасида юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазкур соҳада бозор муносабатларини ривожлантириш, тармоқда ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш ва шу асосда туристик корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, туризм соҳасини ислоҳ қилиш борасида республикамизда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ “Ўзбектуризм” МК ташкил этилди. Туризм соҳасида бошқарувнинг самарали тизимини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлда “Ўзбектуризм” миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги 360-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг фаолияти ва асосий вазифалари белгилаб берилди, компаниянинг ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Республикада замонавий туризм саноатини ривожлантириш, кенг кўламда хорижий сайёҳларни жалб этиш, шу билан бирга халқаро аҳамиятига эга бўлган “Буюк ипак йўлини” қайта тиклаш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июнда “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг ролини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони, “Буюк ипак йўли”да жойлашган қадимий шаҳарлардаги мавжуд маданий ёдгорликлар, тарихий, архелогик ва меъморий обидаларни қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича “Мерос” миллий дастури қабул қилинди.

Ўзбекистонда (хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларида) сақланаётган ҳар бир давр ва цивилизациянинг ўзига хос 4000 дан ортиқ меъморий ва тарихий-маданий обидалари, археологик ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мерослар рўйхатига олинган. Ҳозирда шу рўйхатга киритиш учун 32 та маданий мерос объектлари номинацияси тақдим этилган. Бугунги кунда маданий мерос объектларидан 300 дан кўпроғи сайёҳлик йўналишларига киритилиб, Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристларга намоиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги ПФ-2286-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистонда 2005 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш Давлат дастурининг амалга оширилиши миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамланишига, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг тарихий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилишга, шунингдек, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига етказишга ижобий таъсир кўрсатди.

Мазкур Дастурда белгиланган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, 1999 йил 20 августида Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун орқали туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сонли Қарорига мувофиқ туризм фаолиятини лицензиялаш Тартиби қабул қилинди. Ушбу Тартиб билан туризм соҳасида фаолият олиб бориш учун бериладиган лицензия талаблари сезиларли даражада соддалаштирилди.

Бундан ташқари, туристик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва хизмат кўрсатилаётган сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисида”ги Низом амалиётда қўлланилмоқда. Мазкур Низом “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги қўшма қарори билан тасдиқланиб, 2004 йил 3 ноябрда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2006 йил 6 февралдаги 6-сон мажлис баёни билан тасдиқланган “Туризм соҳасини 2006-2010 йиллар мобайнида босқичма-босқич ислоҳ қилиш Тадбирлари” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 640-сон Қарори асосида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича тармоқ дастурлари юқоридаги бошланган ишларни изчил давом эттириш, соҳадаги ислохотлар кўламини кенгайтириш имконини берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 828 та турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар туристик фаолият юритиш лицензиясига эга бўлиб, уларнинг 97 фоизи хусусий корхоналар ҳисобланади. Ваҳоланки, 1993 йилда республикаимизда жами 122 та туристик компания фаолият юритган бўлса, шунинг атиги 4 таси хусусий корхоналар эди, холос.

Маълумки, туризм ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли туристик хизматлар соҳасига биргаликда миллий туризм моделини ташкил этувчи авиакомпаниялар,

автомобиль ва темирйўл транспортлари, маданият, телекоммуникация корхоналари, оммавий ахборот воситалари, савдо, умумий овқатланиш, маҳаллий саноат корхоналари ва бошқалар ҳам жалб қилинмоқда.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йилда жами 98 та меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда туристик оқим ва жами туризм хизмати ҳажмида хусусий бизнеснинг салмоғи 90 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун 1993 йилдан бошлаб меҳмонхона мажмуаларини барпо этиш ва қайта таъмирлаш ишларига 255 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоялар жалб этилди. Айни вақтда туристик корхоналар томонидан хусусий ва хорижий кредит ҳамда инвестициялар ҳисобига 25 дан ортиқ янги, Евро 2-3 стандартларга жавоб берадиган автобуслар сотиб олинди.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 45 та Ҳукуматлараро ва 48 та Идоралараро келишув ва шартномалар имзоланди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти аъзоси бўлди, 1994 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида 20 дан ортиқ давлат иштирокида “Ипак йўли – мулоқотлар йўли” мавзусида “Ипак йўли”ни қайта тиклаш бўйича 1-Халқаро Форум ўтказилди. Форум якунида “Самарқанд” декларацияси қабул қилинди. 1995 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида биринчи “Буюк ипак йўли туризми” номли халқаро туристик ярмарка ўз ишини бошлади.

1997 йилнинг октябрь ойида Стамбул шаҳрида бўлиб ўтган 12-Бош ассамблеясида Ўзбекистон Бутунжаҳон туристик ташкилоти Ижроия Кенгашига сайланди, 1999 йилнинг апрель ойида Хива шаҳрида “Туризмни ривожлантиришда маданиятнинг роли” мавзусида халқаро конференция ўтказилиб, “Хива” декларацияси қабул қилинди. 2001 йилнинг ноябрь ойида Ипак йўлини қайта тиклаш ва туризмни ривожлантириш мақсадида “Бухоро”

декларацияси қабул қилинди. 2004 йилда Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида БТТнинг “Буюк ипак йўли” офиси очилди. 10 дан ортиқ хорижий давлатларда “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг ахборот марказлари ўз фаолиятини бошлади.

Туризм тизимининг ҳозирги ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, туризм ривожланишини ифодаловчи барча иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш кузатилади. Бу эса тармоқни ислоҳ қилиш, унинг моддий-техника базасини таъмирлаш ва туристларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳисобланади. Республикамизда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари республикамизда туристлар оқимининг ошишида ўз аксини топмоқда.



2.1.1-расм. Ўзбекистонда 2000-2012 йилларда туристларга хизмат кўрсатиш динамикаси, минг киши

Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

2.1.1-расм маълумотлари Ўзбекистонда туристлар сони муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Чунончи, 2000 йилда жами 770,2 минг нафар


туристга хизмат кўрсатилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 1,6 мартага кўпайди ва 1247 минг кишини ташкил этди.

Шу билан бирга мамлакатимизда барқарор молиявий-иқтисодий ҳолатнинг шаклланмаганлиги, туризм инфратузилмасининг талаб даражасида эмаслиги, туристик расмийликларни амалга оширишда бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, қўшни мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қарор топмаганлиги туризм ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар деярли мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги хизматлар сифати кўп ҳолларда унинг нархларига мувофиқ келмайди. Ўзбекистон бўйлаб турлар таклиф қилаётган хорижий операторлар мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришдан бошлаб кўплаб муаммоларга дуч келадилар. Улар элчихоналар ва консулликлардан зарурий ёрдамни ололмайдилар.

Ўзбекистонда визалар қиймати нисбатан қиммат. Республикамизда туристик бизнес ва молиявий соҳа қонунчилигида юз бераётган тез-тез ўзгаришлар ҳам хорижий турфирмалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакат туристик бизнес соҳасида юзага келган вазиятга кадрлар малака ва касбий тайёргарлик даражасининг етарли эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизга ташриф буюрган жами туристлар сони 2000 йилда 552,8 минг кишидан 2010 йилда 657,83 минг кишигача, яъни қарийб 19 фоизга ўсган бўлса, хорижий туристлар сони 278 минг кишидан 377,45 минг кишига, яъни 35,8 фоизга кўпайган (2.2-расм).



2.2.1-расм. 2000-2012 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони динамикаси, минг киши

Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

Бунинг натижасида мамлакатимизга ташриф буюраётган жами туристлар сонига хорижий туристлар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда жами туристларнинг 50,3 фоизини хорижий туристлар ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 57,0 фоизга етган. Шунга мувофиқ равишда маҳаллий туристларнинг жами туристлардаги салмоғи таҳлил қилинаётган давр мобайнида 49,7 фоиздан 43 фоизгача пасайган. Ўзбекистонда туристларнинг ўртача яшаш даври МДХ мамлакатлари бўйича 4-5 кунни, узоқ хориж мамлакатлари бўйича 3 кунни ташкил этади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, республикамызда ички туризм ривожланишига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, жаҳон бўйича жами туристик оқимнинг 80-90 фоизи ички туризм ҳиссасига тўғри келиб, ички туризмга сарфланадиган харажатларнинг халқаро туризмга сарфланадиган харажатлардан 5-10 марта юқорилиги кузатилади³³. Бундай тенденциянинг вужудга келиши ички туризмни ташкил этишнинг нисбатан енгиллиги билан изоҳланади. Ички туризм халқаро туризмдан фарқли ўларок

³³ Александрова А.Ю. Международный туризм. – М.: Аспект Пресс, 2001. – С.18

давлат чегараларини кесиб ўтишни тақозо этмайди ва шунга мувофиқ равишда қатор туристик расмиятчиликларга амал қилишни талаб қилмайди. Ички туризмда миллий валюта муомала воситаси сифатида сақланиб қолади, тил билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлмайди.

Шу муносабат билан республикамизда ички туризмни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим. Зеро, халқаро туризмнинг ривожланишида ички туризм катализатор ролини бажаради.

Ўзбекистонда туризм ривожланишидаги ижобий жиҳатлардан бири шундан иборатки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида хорижий туристлар сони қисқарган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг ўсиши кузатилади. Бундай ҳолатнинг шаклланиши бир қатор омиллар билан изоҳланади.

Глобал инқироз шароитида Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристлар сонининг ўсиши, энг аввало, мамлакатимизга ташриф буюраётган туристларнинг мақсади ва ёш таркиби билан боғлиқ. Гап шундаки, республикамизга ташриф буюрган жами хорижий туристларнинг 72,2 фоизини, узоқ хориж мамлакатларидан ташриф буюрган туристларнинг 85,5 фоизи дам олиш мақсадида ташриф буюрганлар ташкил этади³⁴. Бундай туристларнинг аксарияти эса пенсия ёшидаги кишилар ҳисобланиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ривожланган мамлакатлар бу тоифадаги кишиларнинг даромадларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу сабабли пенсия ёшидаги кишилар глобал инқироз шароитида туризм мақсадидаги харажатларини сезиларли даражада қисқартирмадилар.

Агар республикамизга ташриф буюраётган туристларни минтақалар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, 2012 йил маълумотларига кўра, унда жами туристларнинг 54 фоиз фоизга яқини Европа қитъасига тўғри келади.

³⁴ Основные показатели развития туризма и отдыха в Республике Узбекистан. /Статистический бюллетень. Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. – Т., 2012. – С.32

Туристларнинг умумий сони бўйича кейинги ўринларни қуйидаги минтакалар эгаллайди: Шарқий Осиё – 26, Ўрта Шарқ - 11 фоиз, Америка ва Жанубий Осиё мувофиқ равишда 4,8 ва 3,8 фоиз, Африка - 0,4 фоиз³⁵.

Туристлар оқими республикамізда туризм ривожланиш даражасига баҳо беришда муҳим роль ўйнаса-да, туризмнинг миллий иқтисодиёт тармоғи сифатида самарадорлик даражасига баҳо бериш имконини бермайди.

Шу муносабат билан туристик фирмалар томонидан кўрсатилган хизматлар, ушбу соҳадан олинган фойда ҳамда хизматлар экспорти динамикасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шундан далолат берадики, 2012 йилда 89124,4 млн. сўмлик туристик хизматлар кўрсатилган. Бу ерда кўрсаткичлар жорий нархларда берилганлиги туфайли реал вазиятни яққол кўрсатмайди. Аммо кейинги йилларда республикамізда инфляция даражасининг пастлигини ҳисобга оладиган бўлсак, туризм хизматлари ҳажмининг ўсаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистонда туризм хизматлари, туризм хизматларидан олинган фойда ва хизматлар экспорти динамикаси

Йиллар	Жами хизматлар, млн. сўм	Фойда, млн. сўм	Хизматлар экспорти, минг доллар
2000	6,9	443	27130,3
2001	10,1	1111,8	22665,3
2002	15,8	-166,5	21546
2003	17,5	150,61	23581
2004	17,9	-258,7	28020
2005	40,0	758,4	28132,5
2006	45,8	1036,4	42745,9
2007	60,2	2613,4	51367,9
2008	77,3	4492,5	63482,8
2009	93,3	3105,6	98680,7
2010	153,7	3375,4	121399,2
2011	64112	8471,4	253344
2012	89123	18245	348335

Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

³⁵ «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси маълумотлари

Туризм хизматлари ҳажмининг ўсиши республикада туризм ривожланаётганлигини тўла ифодалай олмайди. Шу сабабли туристик корхоналар томонидан олинаётган фойда даражасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. 2.2.1-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, 2012 йилда туристик хизматлардан олинаётган фойда 18245 млн. сўмни ташкил этган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, 2004 йилда туристик корхоналар фойдаси манфий қийматга эга бўлган ва 258,7 млн сўмни ташкил этган. Бу, энг аввало, “Ўзбекистон” ва “Шодлик Палас” меҳмонхоналари учун ҳукуматлараро кредитларнинг қайтарилгани билан боғлиқ.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган туристик корхоналар томонидан амалга оширилган хизматлар экспортида ўсиш тенденцияси кузатилади. Хусусан, 2000 йилга нисбатан 2012 йилда хизматлар экспорти ҳажми 12,8 мартадан кўпроққа ўсган ва 348,3 млн. долларни ташкил этган. Туристик фаолиятдан олинadиган даромаддан ташқари турист республикада кўрсатилган хизмат, сувенирлар сотиб олиш, бошқа хусусий эҳтиёжларини қондириш учун тўлайдиган ҳақ ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Ўзбектуризм” МК ҳисоб-китобларига кўра, бир нафар хорижий турист республикада бўлган чоғида бюджетга 1000 доллар атрофида кўшимча тушум келтиради. Бу тушумнинг 35-40 фоизини туристик хизматлар ташкил этади³⁶.

Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, туристик хизматлар кўрсатиш, ундан олинadиган фойда ва туристик маҳсулотлар экспортининг асосий қисми Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

3.2. БАА тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш йўналишлари

Иқтисодиётнинг ривож ва мамлакат ЯИМ ҳажмининг ўсишида туризмнинг, хусусан, халқаро туризмнинг ўрни беқиёс. Дунёнинг кўпгина

³⁶Программа по ускорению развития сферы услуг и сервиса в НК “Ўзбектуризм” на 2006-2010 год. – Т., 2006. – С.2

мамлакатларида давлат бюджетининг катта қисми айнан халқаро туризм орқали келган даромаддан шаклланади. 2012 йилда БАА ЯИМининг 13,7 фоизини туризм иқтисодиёти, 6,6 фоизини эса туризм индустрияси ташкил этди. Ўзбекистонда ҳам туризмни ривожлантириш ва шу йўл билан юртимиз иқтисодий имкониятини ошириш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Жаҳон тажрибаси ҳар тўртта турист битта янги иш ўрни яратишини кўрсатмоқда. Жумладан 2012 йилда БААда ҳар 1000 кишидан 404 таси туризм иқтисодиётида ва ҳар 1000 кишидан 173 таси туризм индустриясида банд бўлди. Янги иш ўринларини яратиш масаласи жуда долзарб аҳамият касб этиши табиий. Хўш, бугун шу имкониятлардан қай даражада фойдалана олаяпмиз?

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос туризм соҳасини шакллантириш, соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётимизда туризмнинг ролини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси ва БАА ўртасида 1992 йил 25 октябрда ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилган эди. Шу йили ноябрь ойида юртимизнинг Дубай шаҳридаги консулхонаси очилиб, унга 1994 йилда Бош консулхона мақоми берилди. Ўз навбатида, 2006 йилнинг январь ойидан БААнинг Ўзбекистон Республикасидаги Бош консулхонаси иш бошлади.

1992 йилдан буён мамлакатларимиз ўртасида мунтазам ҳаво қатнови йўлга қўйилган ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент - Шаржа –Тошкент йўналиши бўйлаб парвозлар амалга оширилмоқда. 2008 йил 7 мартда эса “Ўзбекистон ҳаво йўллари”нинг пойтахтимизни БААнинг туристик маркази бўлган Дубай шаҳри билан боғловчи йўналишда биринчи рейс амалга оширилди ва бугунги кунга қадар Тошкент - Дубай –Тошкент йўналишида самолётлар қатнамоқда³⁷.

2008 йил 17 март куни Абу Даби шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан БАА Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик

³⁷ www.mfer.uz БАА билан халқаро ҳамкорлик алоқалари

тўғрисида Битим имзоланди. Шу билан бирга ушбу йилнинг 18 март куни “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан Дубай амирлигининг “Arabian Odissey” компанияси ўртасида агентлик битими имзоланди.

2008 йил 17–18 мартда Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг БААга юксак даражадаги ташрифи натижалари бўйича 2008 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (ПҚ–820 сонли) қабул қилинди³⁸. Бундан ташқари, 2009 йил 5 март куни “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан БАА нинг “Planet Tours” компанияси ўртасида агентлик битими имзоланди³⁹.

Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит мамлакатимизда БАА сармояси микдорини кўпайтириш учун яхши омилдир. Бунда асосан туризмни, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. БАА сармоядорлари Ўзбекистонда кенг давом этаётган хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишдан манфаатдор.

Ўзбекистон ва БАА туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакатлардир. Ўзбекистон ва БАА катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, географик жойлашуви, интеллектуал салоҳияти, қулай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳар қандай мамлакатнинг юртимиз билан ҳамкорликка қизиқишини орттириши табиий.

Ўзбекистон 1993 йили Бутунжаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлган эди. Шу вақтга қадар Президентимизнинг соҳани такомиллаштириш ва бу йўналишда замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган 4 та фармони ва ҳукуматнинг 17 та қарори қабул қилинди. Уларни амалга ошириш натижасида туризмнинг янги йўналишлари юзага келди. Замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, қадимги тарихий обидалар ва қадамжолар қайта таъмирланди, янги йўллар барпо этилди⁴⁰.

³⁸ www.jahonnews.uz БАА ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлигининг янги саҳифаси

³⁹ http://uzbektourism.uz/uz/international_activity/vakilliklararo-tuzilgan-bitimlar.html

⁴⁰ www.old.uzbekistonovozi.uz

Мамлакатимизда туризм статистикасини юритиш ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Натижада туристлар келиши бизнинг мамлакатимизга нисбатан анча кам бўлган давлатлар бўйича ҳисоботларда анча кўп кўрсатилаяпти. Бу эса туризм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, соҳага халқаро стандартларни жорий этган ҳолда Ўзбекистон миллий стандартларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш масалалари олдимизда турибди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, халқаро туризм бозорини ривожлантириш ва унинг фаолиятни юқори даражага олиб чиқиш ўзига хос мураккаб жараёндир. Халқаро туризмда назоратсизлик, ўзибилармончилик бу жараён ривожига зиён етказди. Халқаро туризмда етакчи бўлиб келаётган БААда туристик фаолиятнинг айрим йўналишлари ҳукумат томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита сиёсий-расмий бошқарилиб, аниқ мақсадга йўналтириб турилади. БААнинг ҳар бир амирлигида туризм соҳасини тартибга солувчи бошқарма ва ташкилотлар мавжуд. Дубайда туризм масалалари бўйича Туризм ва тижорат маркетинг Департаменти (DTSM) масъул ҳисобланади. БАА бош вазири Муҳаммад бин Рашид Ал Мақтум “Туризм - бу хизматларнинг катта мажмуи бўлиб, бир Бошқарма якка ўзи унинг ривожланишига масъул бўла олмайди. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш мақсадида ушбу режаларни амалга ошириш учун давлатнинг бошқа ташкилот ва компаниялари ҳам иштирок этиши зарур”,- деб айтиб ўтди⁴¹.

Юртимизга халқаро туристларни жалб этиш имконияти, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти жуда катта. Аммо бугун бундан етарли даражада фойдалана олмаяпмиз. Бунинг учун қатор масалаларни ҳал этиш талаб этилмоқда. Аввало соҳага оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда улар малакасини ошириб бориш тизимини такомиллаштириш зарур.

⁴¹ www.alittihad.ae “نمو قطاع الضيافة في الإمارات” جريدة الاتحاد 2012 йил 8 октябрь

Аэропортларда сервисни яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим. Халқаро туризмда ушбу сервис ўз ичига туристлар учун хизматларнинг бутун бир мажмуасини олади. 2012 йилда Дубай ҳукумати амирликка ташриф буюраётган туристлар оқимининг аэропорт сервиси билан боғлиқ талабларини қондириш мақсадида Дубайда 7,8 млрд АҚШ доллари миқдоридаги аэропортнинг кенгайтирилиши лойиҳасини эълон қилди⁴².

Ўзбекистон учун ҳам туризм тизимида рақобатбардошликни оширишда аэропорт сервисини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Республика туризм салоҳияти ихтиёрида бўлган захиралар ҳозирча “жаҳон стандартлари”га жавоб бера оладиган туризм салоҳиятини барпо қилиш учун сарфланадиган зарур маблағлар ва инвестициялар йўқлиги сабабли фойдаланилмай турибди.

Туристлар оқимини жиддий четлаб қўяётган омиллардан яна бири шуки, туристлар Ўзбекистондаги энг машҳур ёдгорликлар ва бутун шаҳар қурилиш ансамбллари томоша қилиш учун келадилар. Аммо бу объектларнинг туристларни қабул қилиш имконияти ниҳоятда пастдир. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм экскурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усулларига қўйиладиган янги талаблар БААнинг тажрибасидан фойдаланиб амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

БАА ҳозирги кунда туризмнинг замонавий инфраструктурасини, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари кабиларга инвестициялар киритмоқда. БАА ҳукумати томонидан инфраструктурага киритилаётган инвестициялар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қўймайди, бу омилларнинг барчаси мамлакатга туристлар кириб келишини фаоллаштиради ва ўз ўрнида меҳмонхоналарга бўлган талабни оширади.

Биз ҳам инвестицияларни туризм соҳасига жалб қилиб, қуйидагиларни амалга оширишимиз лозим:

- жаҳон андозалари, хусусан, БАА даражасида кичик ва ўрта

⁴² Benchmarking UAE Tourism, Market Monitor Series, Data Management & Business Research 2012

меҳмонхоналар тармоғини шакллантириш;

- сайр-томошалар замонавий индустриясини, маданий ва спорт-соғломлаштириш марказларини барпо этиш;

- ноёб туризм имкониятлари ва тарихий-маданий меъроснинг кенг кўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш.

БААнинг Абу Даби амирлигида ҳар йили спортсевар туристларни жалб этиш мақсадида кўплаб мото ва авто пойгалар ўтказилади. Юртимизда ҳам сўнгги йилларда бокс, ўзбек миллий кураши, теннис бўйича жаҳон миқёсида улкан чемпионатлар ўтказилмоқда. Халқаро туризмни ривожлантиришда бу омилларни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Чунки бу тадбирлар кўпгина хорижий мамлакатлардан туристлар келишига олиб келмоқда.

Туризм инфраструктурасининг ажралмас қисми бўлган меҳмонхоналардаги хизмат баҳоси бозор талабининг юқори ёки пастлигига қараб фарқланиши мумкин. Бу тафовутнинг шартлари ва меъёрлари нарх-наво сиёсати орқали аниқланади, ҳамда улар даромад олишнинг асосий омиллари ҳисобланади. БАА меҳмонхоналарида «сифат-баҳо» шиорига қаттиқ амал қилинади. Шунинг учун туризм хизматининг асосий меъзони бўлган нарх сиёсати Ўзбекистонда ҳам айрим туристик ташкилотлари орқали эмас, балки давлат томонидан доимий равишда назорат қилиб борилиши лозим.

Республикадаги мавжуд меҳмонхоналардаги нархлар баъзи бир сабабларга кўра жаҳондаги ўртача нархлардан юқори бўлиб, туристларнинг меҳмонхоналарга бўлган талабидан юқоридир. Ҳар бир турист шинам, ҳар томонлама яхши жиҳозланган жойни бир кечага 100- 120 АҚШ долларига сотиб олишни хоҳлайди. Ўзбекистон меҳмонхоналарида тунаш нархи БАА меҳмонхоналаридан кўра анчайин қиммат. Биздаги меҳмонхоналарда бир кеча тунаш 250-350 АҚШ долларига тўғри келмоқда⁴³. Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун республикамизда сўнгги йилларда меҳмонхоналарнинг замонавий типлари кенг кўламда қурила бошланди. Булар ичида

⁴³ А.Норчаев. Халқаро туризм. Ўқув қўлланма. ТДИУ 2011 й.

«Интерконтинентал», «Шератон», «Ле-Меридиан», «Грант Мир», «Дедеман», «Тошкент Палас», «Отель Ўзбекистон» меҳмонхоналарини мисол қилишимиз мумкин. Бу меҳмонхоналар 4 ва 5 юлдузли бўлиб, халқаро даражага тўлиқ жавоб беради. Ҳозирги вазифа улардаги нархларни қайта кўриб чиқишдир.

Alpen Capital компаниясининг ҳисоботида кўра БААда 2011 ва 2016 йиллар оралиғида туристлар оқимининг кўпайиши натижасида меҳмонхона секторининг ўртача ўсиши 10,4%ни ташкил этади. Ҳисоботда таъкидландики, БААга ташриф буюрадиган туристларнинг сони 2012 ва 2022 йиллар мобайнида йилига 5,3% га кўпайиб боради ва 2016 йилга келиб меҳмонхоналар сони 5,3% га ортиши кутилмоқда. Молия маркази бўлмиш Дубай амирлигида меҳмонхоналарнинг юқори даражада тўла бўлиши 2011 йил 71%дан 2016 йилда 75,1% га етиши башорат қилинмоқда⁴⁴.

Ҳисоботда туризм саноатида кўнгилочар хизматларга бўлган талаб тенденциясининг ўсиши ва меҳмонхона номерларининг нархи 2011 йилда 183,5 АҚШ долларидан 3,7 фоизга ошиб 2016 йилда 220 АҚШ долларига етиши таъкидланди.

Ҳозирги кунда мамлакатда туристик секторнинг энг кўп ривожланиш динамикасини Дубай кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ўтган йили амирликнинг меҳмонхоналари Яқин Шарқдаги барча рақобатчилар ичида энг етакчи бўлдилар. 2011 йилда Дубай меҳмонхоналари 81,8 фоиз тўлалиги бўйича рекорд кўрсаткичга эришди.

2011 йилда туризм оқимининг ўсиши Абу-Дабида қайд қилинди : амирликнинг меҳмонхоналари туристларнинг рекорд миқдорини қабул қилдилар—2,1 млндан ортиқ, 2010 йилга нисбатан 7% га кўп. Бундан ташқари ижобий динамика бир қатор кўрсаткичларда ҳам қайд қилинди, хусусан, ётиб қолишлар миқдори (2010 йилга нисбатан 22% га кўп), меҳмонхоналарнинг тўлалиги (2010 йилга қараганда 7%га кўп) ва ўртача ташриф буюрганлик муддати (3 кеча). Амирлик ахборот хизматининг

⁴⁴ www.alittihad.ae “نمو قطاع الضيافة في الإمارات” جريدة الاتحاد 2012 йил 8 октябрь

башоратларига кўра 2012 йилда Абу Дабида 2,3 млн кишидан ортиқ туристлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Рас-ул-Хайма амирлиги туристлар оқимининг 40% га ошганлигини қайд этди. 2011 йилда 835 мингдан ортиқ туристларни қабул қилди. Рас- ул-Хайма туризм ривожланиши Бошқармасининг маълумотларига биноан, 2011 йилда қирғоқ бўйи меҳмонхоналардаги тўла бандлик 8,5 %га ошди ва ушбу кўрсаткич шаҳардаги меҳмонхоналарда 2%га ошди. Амирлик ҳокимияти 2013 йилда туристлар оқимини 1,2 млн кишига етказиш ҳамда 2016 йилга қадар меҳмонхона фондининг кенгайишини 2 мингдан 10 мингга яқин хоналар яратиш каби улкан мақсадларни ўз олдига қўйган. Қулай иқлим шароити, деярли барча пляж меҳмонхоналарида “all inclusive” тизими, кўнгилочар инфраструктура (янги Ice Land аквапарки), шоппинг-марказ Дубайгача 40 дақиқа йўл қабилар Рас- ул-Хайма амирлигини жозибадор қилади.

Кўрсатилган тенденциялар орқали БААда туристларнинг туризм йўналишларида йилдан-йилга барқарор сиёсий ва иқтисодий ҳолатни танлаб, ўз ҳаракатларида мобил бўлаётганликларини кузатишимиз мумкин. Туристларнинг дам олиш жойларини танлашда муҳим омиллар сифатида қуйидагиларни ажратиб ўтиш лозим : минтақада инфраструктуранинг ривожланганлиги, хизмат кўрсатишнинг юқори даражаси, дам олиш сифати ва нархининг мувофиқлиги. Шак шубҳасиз бундай хизматлар Ўзбекистонда ҳам яқин йилларда тақдим этилиши муқаррар. Кўплаб халқаро туристлар учун Ўзбекистон доимий туризм йўналиши бўлиб қолиши мумкин.

Alpen Capital ҳисоботида Форс Кўрфази араб мамлакатларининг туризм саноати ҳам кўрилган. Унда меҳмондорчилик саноати самарадорлигини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлар сифатида меҳмонхона номерларининг сони, сектордаги тенденция ва асосий муаммолар ушбу соҳанинг ривожланиши ва ўсиш истиқболлари билан яқин 5 йилда тўқнаш келиши аниқланган.

3.2.1-жадвал

2002-2011 йилларда БААда меҳмонхоналарнинг бандлик кўрсаткичи, %

Меҳмонхона	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Меҳмонхона хоналарининг бандлиги	70	72	81	85	82	84	82	70	70	74
Апартамент хоналарининг бандлиги	69	69	75	80	80	82	79	66	68	74

Манба: Department of Tourism and Commerce Marketing

Alpen Capital компанияси Форс Кўрфази араб мамлакатларида ушбу секторнинг ўсиш суръати йилига 8,1% дан бўлиб, 28,3 млрд АҚШ долларига етишини башорат қилмоқда. Минтақада 2012 ва 2016 йиллар мобайнида бандлик кўрсаткичи 67%дан 73% га ўсиши тахмин қилинди. Туризм саноати ўсишининг давом этиши минтақада 2012 ва 2016 йиллар давомида 212 ва 247 АҚШ долларлик меҳмонхоналарга талаб ортишига олиб келади. Ўзбекистонда ҳали хануз меҳмонхоналарнинг тўлалиги тўлиқ таъминланмаган. Тур қиймати ҳам туристлар учун муҳим аҳамият касб этади. БААдаги нисбатан паст нархларни бизнинг меҳмонхоналар тармоғига қўлласак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дубай бир неча йил ичида амирликка ташриф буюрадиган туристлар оқимини икки маротаба ошириб, 2020 йилда 20 млн хорижлик меҳмонларни қабул қилмоқчи. Бу ҳақда БАА бош вазири, вице президенти ва Дубай амири бўлмиш Муҳаммад бин Рашид Ал Мақтум маълум қилди.

“Биз ушбу мақсадларнинг қанчалик баландпарвоз эканлигини тушунамиз ҳамда уларга эришиш ва амалга ошириш нақадар муҳимлигини биламиз. Ишончим комилки, хусусан, олдинги эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда туризм ва тижорат маркетинг Департаменти (DTSM) қўйилган масаланинг уддасидан чиқади”, деб шайх Муҳаммад айтиб ўтди⁴⁵.

⁴⁵ www.alittihad.ae 2012 йил 8 октябрь “جريدة الاتحاد”

Шуни таъкидлаш зарурки, охириги ўн йил ичида Дубай туристик оқимлар миқдорини икки барабар оширишга муваффақ бўлди: 2002 йилда амирликка 5 млн турист ташриф буюрган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 10 млн кишидан ошиб кетди.

DTSM нинг генерал директори Хилал Ал Маррининг сўзларига кўра, туристларни жалб қилувчи омиллар сифатида Дубайда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар бўлади. “Бизда тематик парклар кўпаяди, янги сафари-парк ва янгидан-янги савдо марказлари очилади. Шу билан бирга маданий ва тарихий меъроснинг сақланиб қолиши устида фаол ишламоқдамиз. Яқин йилларда бир қанча янги оилавий кўнгилочар марказларни очишимизни умид қиламан”, деб DTSM бошлиғи айтиб ўтди⁴⁶.

Бошқарма яқин келажакда Лотин Америкаси, Хитой ва Африка минтақаларидан туристлар сонини оширишни ва такрорий ташрифларни кўпайтиришни амалга оширмоқчи. Амирликнинг энг олий мақсадларидан бири – 2020 йилда ўз ҳудудида юз минглаб меҳмонларни ўзига жалб қилувчи “Ехро-2020” халқаро кўрғазмасини ўтказиш бўлмоқда. “Кўрғазма бизга барча эришган ютуқларимизни бутун дунёга кўрсатишдек ажойиб имкониятларни беради”, деб Ал Марри ҳисоблайди⁴⁷.

Яна бир мақсад – меҳмонхона фондларининг ўсиши: шуни эслатиш жоизки, бугунги кунда Дубай меҳмонлар учун 599 та меҳмонхона ва муҳташам отелларда 80 мингдан ортиқ номерларни тақдим этмоқда ва бу иқтисодиётга 5,13 млрд АҚШ доллари атропофиди фойда келтирмоқда. Ушбу кўрсаткични 2–3 марта ошириш режалаштирилган.

Умуман олганда, 2020 йилга қадар Дубай қуйидаги асосий йўналишлар билан ривожланиши кўзда тутилмоқда⁴⁸:

1. Дубай – оилавий туризмнинг халқаро маркази. Диққатга сазовор жойлар ва кўнгилочар тадбирларнинг кўпайтирилиши режалаштирилмоқда.

⁴⁶ www.alittihad.ae “معدلات الإشتغال الفندقية تصل إلى 75%” 2013 йил март

⁴⁷ www.alittihad.ae “معدلات الإشتغال الفندقية تصل إلى 75%” 2013 йил март

⁴⁸ В 2020 году Дубай примет 20 млн туристов, “Аль-Иттихад газета” Наталья Реммер. 04 Май 2013

2. Дубай – глобал кўнгилочар йўналиш, фестиваль ва байрамлар маркази.

3. Дубай – ишбилармон туризм ва бизнес юритиш учун энг самарали минтақа.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, БАА жаҳон туризм марказларидан бирига айланган бўлса, Ўзбекистон кўп асрлик маданий ёдгорликлари билан дунёга машхур. Бундай омиллар туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

БААнинг сармоявий салоҳияти, туризм секторида орттирган тажрибаси билан Ўзбекистоннинг имкониятлари бирлаштирилса, юртимизда туризм соҳасида кўплаб ютуқларга эришиш мумкин. Шу ўринда Республикамизда туризм соҳасини янада ривожлантириш учун қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблайман:

1. Ўзбекистоннинг туризм соҳасига инвестицияларни жалб этиш.
2. Инфраструктурани янада тараққий эттириш.
3. Қулай турпакетлар ишлаб чиқиш ҳамда унинг нархларини оптималлаштириш.
4. Меҳмонхонада туристларнинг яшаш харажатларини камайтириш.
5. Ўзбекистонда диққатга сазовор жойларни халқаро доирада реклама қилишни такомиллаштириш.
6. Ўзбекистонда спорт, соғломлаштириш, кўнгилочар ва бошқа туризм турларини ривожлантириш.
7. Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантиришга хусусий сектор вакиллари кўпроқ жалб этиш ҳамда уларга имтиёзлар ва кредитлар ажратиш.
8. Ўзбекистонда халқаро конференциялар ва кўرғазмалар ўтказиш орқали ишбилармонлик туризминини янада ривожлантириш.

Жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, барқарор иқтисодий ўсиш ва туризм ривожланиши ўртасида тўғри боғланиш мавжуд. Нархлар ўзгармас

бўлган шароитда хусусий истеъмол ҳажмининг 2,5 фоизга ўсиши туризмга сарфланадиган харажатларнинг 4 фоизга, истеъмол ҳажмининг 5 фоизга ўсиши туризмга сарфланадиган харажатларнинг 10 фоизга ўсишига олиб келади⁴⁹. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш, туристик салоҳиятдан оқилона фойдаланиш мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланишига, валюта тушумининг ўсишига, экспорт таркибининг такомиллашуви ва диверсификациялашувига ижобий таъсир кўрсатади. Бу соҳада БАА тажрибасини умумлаштириш халқаро туризмни қуйидаги йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади:

- туризм соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туристик ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, туризм соҳасига хорижий инвестициялар ва халқаро кредитларни жалб қилиш бўйича кенг чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

- янги меҳмонхоналар, кемпинглар, турбазалар, отеллар, мотеллар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда замонавийлаштириш ҳисобига туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базаси ва замонавий халқаро туризм инфратузилмасини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

- сайр-томошалар замонавий индустрияси барпо этиш: табиий парклар, тунги казино ва барлар, теннис, гольф сингари спорт ўйинлари учун майдонлар қуриш ва бошқалар;

- аэропортларда, темирйўл вокзалларида, автобус станцияларида халқаро терминаллар қуриш, уларни таъмирлаш ва кенгайтириш, шунингдек, барча туристларни қабул қилиш марказларида замонавий коммуникация тизимларини барпо этиш;

- халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, устахоналар, анъанавий миллий буюмлар, сувенирлар ва туристлар томонидан талаб юқори бўлган

⁴⁹ Квартальнов В.А. Иностранный туризм. – М.: Финансы и статистика, 2001. – с.24

маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари - экскурсия ва ўрганиш туризми, археологик туризм, рекреацион туризм, саргузашт туризми, экзотик туризм, экологик туризм, конференц-турлар, диний туризм, этник ва ностальгия туризмини ривожлантириш;

- туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш ва туристик бизнесда энг янги технологиялардан фойдаланиш асосида республикамизнинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни интернет сайтлари орқали хорижий мамлакатларга тарқатиш.

3-боб бўйича хулосалар

1. Бугунги кунда мамлакатимизда 828 та турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар туристик фаолият юритиш лицензиясига эга бўлиб, уларнинг 97 фоизи хусусий корхоналар ҳисобланади. Ваҳоланки, 1993 йилда республикамизда жами 122 та туристик компания фаолият юритган бўлса, шунинг атиги 4 таси хусусий корхоналар эди, холос.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йилда жами 98 та меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда туристик оқим ва жами туризм хизмати ҳажмида хусусий бизнеснинг салмоғи 90 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

3. Ўзбекистонда туристлар сони муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Чунончи, 2000 йилда жами 770,2 минг нафар туристга хизмат кўрсатилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 1,6 мартага кўпайди ва 1247 минг кишини ташкил этди.

4. 2012 йилда 89124,4 млн. сўмлик туристик хизматлар кўрсатилган. Бу ерда кўрсаткичлар жорий нархларда берилганлиги туфайли реал вазиятни яққол кўрсатмайди. Аммо кейинги йилларда республикамизда инфляция

даражасининг пастлигини ҳисобга оладиган бўлсак, туризм хизматлари хажмининг ўсаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

5. БАА тажрибасини умумлаштириш халқаро туризмни қуйидаги йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади:

- янги меҳмонхоналар, кемпинглар, турбазалар, отеллар, мотеллар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда замонавийлаштириш ҳисобига туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базаси ва замонавий халқаро туризм инфратузилмасини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

- сайр-томошалар замонавий индустрияси барпо этиш: табиий парклар, тунги казино ва барлар, теннис, гольф сингари спорт ўйинлари учун майдонлар қуриш ва бошқалар;

- аэропортларда, темирўл вокзалларида, автобус станцияларида халқаро терминаллар қуриш, уларни таъмирлаш ва кенгайтириш, шунингдек, барча туристларни қабул қилиш марказларида замонавий коммуникация тизимларини барпо этиш;

- халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, устахоналар, анъанавий миллий буюмлар, сувенирлар ва туристлар томонидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари - экскурсия ва ўрганиш туризми, археологик туризм, рекреацион туризм, саргузашт туризми, экзотик туризм, экологик туризм, конференц-турлар, диний туризм, этник ва ностальгия туризмининг ривожлантириш;

- туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш ва туристик бизнесда энг янги технологиялардан фойдаланиш асосида республикамизнинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни интернет сайтлари орқали хорижий мамлакатларга тарқатиш.

ХУЛОСА

БААда туризм салоҳиятидан фойдаланиш, унинг миллий иқтисодий диверсификациялашга таъсири масалаларига бағишланган магистрлик диссертацияси натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Турли таърифларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида диверсификациялаш атамасига қуйидагича таъриф бердик: Диверсификациялаш – бу бирор-бир маҳсулот ёки маҳсулотлар гуруҳи ишлаб чиқариш ёхуд хизматлар кўрсатишга боғлиқликни камайтириш, капитални оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий бозорларда мавқени мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

2. Халқаро туризм иқтисодийнинг транспорт, алоқа, савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли ишлаб чиқариш каби асосий тармоқларига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатиб, мультипликатив самара беради ва миллий иқтисодий диверсификациялашнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Халқаро туризм аҳоли бандлигига кучли ижобий таъсир кўрсатади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра дунё бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар 15 тадан биттаси туризм ёки унга туташ тармоқларда банд. Бу соҳада географик нуқтаи назардан янги иш ўринлари иқтисодийнинг бошқа тармоқларига нисбатан кенгроқ тарқалган бўлади.

3. 2014 йилда жаҳон бўйича туристлар оқими бир қатор сиёсий муаммоларга қарамай 5 фоизга ўсганлигин коузатиш мумкин. Агарда 2013 йилда дунё бўйича туристлар оқими 1087 млрд. кишини ташкил қилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 1155 млрд. га етди. Яна шуниси аҳамиятлики Бутунжаҳон туризм ташкилоти берган 2010-2020 йилларда дунё туризм прогнозларига кўра 2014 йилда ўсиш кўрсаткичи 3,8% бўлиши керак эди, лекин бу кўрсаткич 5% ни ташкил қилди. Бу эса жаҳонда туризм жадал ривожланиш йўлида эканлигидан далолатдир.

4. Товар номенклатурасини кенгайтириш ва уларнинг умумий экспорт(импорт)да тенг улушларга эга бўлишини таъминлаш иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги шу гуруҳ товарларига бўлган нарх ва талаб ўзгаришларига боғлиқлик даражасини пасайтиради, бу билан ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларнинг иқтисодиётга таъсири юмшатилади. Мамлакат ташқи савдоси, хусусан, экспортнинг диверсификациялашуви иқтисодий ўсишга ҳам ижобий таъсир этади.

5. Бирлашган Араб Амирликлари ЯИМнинг 38 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида яратилади, жами банд аҳолининг тенг ярми айнан шу соҳада банд, бу эса мамлакат иқтисодиётида хизмат кўрсатиш улуши ортиб бораётганлигидан далолатдир. Мамлакатда иш билан банд аҳоли 3.705 млн. кишини ташкил қилади. Табиийки, аҳолининг аксарият қисми саноатда банд лекин, аҳоли бандлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам етакчилик қилмоқда. Агарда мамлакатда 2004 йилда 110000 киши туризм соҳасида банд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 48 мингтага кўпайгани ўлароқ 158 мингтага етганини кўриш мумкин. 2008 йилда эса иш билан банд аҳолининг 5 фоизи айнан шу соҳада банд бўлган. 2014 йилда 308 минг аҳоли туризмда банд бўлганлигини кўриш мумкин.

6. БААда умумий туризм истеъмоли 2008 йилда 24,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса хорижий ва маҳаллий туристларнинг харажатлари мос равишда 16,2 млрд. ва 8,5 млрд АҚШ долларини ташкил қилган. 2014 йилда туризм истеъмоли 38,4 млрд АҚШ долларини ташкил қилган. Хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг харажатлари мос равишда 28.4 млрд. ва 9.9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бундан кўринадики мамлакатдаги асосий туризм соҳасидаги пул оқимлари хориждан келади.

7. Ҳар бир соҳа сингари туризм ривожланиши учун ҳам хорижий инвестицияларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. 2014 йилда туризм соҳасига хорижий инвесторлар томонидан 10,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида капитал қўйилган бўлса, давлат бюджетидан 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилган.

8. Бугунги кунда мамлакатимизда 828 та турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар туристик фаолият юритиш лицензиясига эга бўлиб, уларнинг 97 фоизи хусусий корхоналар ҳисобланади. Ваҳоланки, 1993 йилда республикаимизда жами 122 та туристик компания фаолият юритган бўлса, шунинг атиги 4 таси хусусий корхоналар эди, холос.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1993 йилда жами 98 та меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги пайтда юртимизда 50 мингдан зиёд ўринга эга бўлган 500 дан ортиқ меҳмонхона, мотель ва кемпинглар сайёҳларга халқаро стандартлар бўйича хизмат кўрсатмоқда. Бугунги кунда туристик оқим ва жами туризм хизмати ҳажмида хусусий бизнеснинг салмоғи 90 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

10. Ўзбекистонда туристлар сони муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Чунончи, 2000 йилда жами 770,2 минг нафар туристга хизмат кўрсатилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 1,6 мартага кўпайди ва 1247 минг кишини ташкил этди.

11. 2012 йилда 89124,4 млн. сўмлик туристик хизматлар кўрсатилган. Бу ерда кўрсаткичлар жорий нархларда берилганлиги туфайли реал вазиятни яққол кўрсатмайди. Аммо кейинги йилларда республикаимизда инфляция даражасининг пастлигини ҳисобга оладиган бўлсак, туризм хизматлари ҳажмининг ўсаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

12. БАА тажрибасини умумлаштириш халқаро туризмни қуйидаги йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади:

- янги меҳмонхоналар, кемпинглар, турбазалар, отеллар, мотеллар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда замонавийлаштириш ҳисобига туризмнинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган моддий-техника базаси ва замонавий халқаро туризм инфратузилмасини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш;

- сайр-томошалар замонавий индустрияси барпо этиш: табиий парклар, тунги казино ва барлар, теннис, гольф сингари спорт ўйинлари учун майдонлар қуриш ва бошқалар;

- аэропортларда, темирйўл вокзалларида, автобус станцияларида халқаро терминаллар қуриш, уларни таъмирлаш ва кенгайтириш, шунингдек, барча туристларни қабул қилиш марказларида замонавий коммуникация тизимларини барпо этиш;

- халқ амалий санъати, ҳунармандчилик, устахоналар, анъанавий миллий буюмлар, сувенирлар ва туристлар томонидан талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- республикамизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари - экскурсия ва ўрганиш туризми, археологик туризм, рекреацион туризм, саргузашт туризми, экзотик туризм, экологик туризм, конференц-турлар, диний туризм, этник ва ностальгия туризмини ривожлантириш;

- туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш ва туристик бизнесда энг янги технологиялардан фойдаланиш асосида республикамизнинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни интернет сайтлари орқали хорижий мамлакатларга тарқатиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. - 42 б.
2. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил 13 июнь (ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель (ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 24 декабрь (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
5. Ўзбекистон Республикасининг “Концессия тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 30 август (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)
6. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2000, 131-140 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ««Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 9 апрель
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими

хамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. 2009 йил 23 апрель

11. “Ўзбектуризм” МКсининг ташкил топиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // “Халқ сўзи”, 1992 йил 27 июл.

12. “Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 346 сонли 8 августда қабул қилинган Фармойиши. // “Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил 9 август.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – 74 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

19. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

21. Каримов И.А. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2012. – 56 б.

22. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

23. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. /Халқ сўзи, 17.01.2015.

IV. Илмий адабиётлар

4.1. Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари

24. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: Историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: Учеб. пособ. 2-е изд., испр. и доп. - М.: Аспект Пресс, 2007. – 319 с.

25. Агамирова Е.В Управление персоналом в туризме и гостинично-ресторанном бизнесе: Практикум – 2-е изд., испр. и доп. – М.: «Дашков и К», 2008. – 180 с.

26. Александрова А.Ю. Международный туризм. – М: ГРИФ, 2004. - 470с.

27. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М: Финансы и статистика, 2000. – 176 с.

28. Бгатов А.П. Безопасность в туризме: учеб. пособ. – М.: ФОРУМ, 2007. – 176 с.

29. Биржаков М.Б. Введение в туризме. Изд. 9-е, перераб. и доп. – СПб.: Герда, 2008. – 576 с.

30. Вавилова Е.В. Основы международного туризма. – М: Гардарики, 2005г.

31. Воскресенский В.Ю. Международный туризм: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 255 с.

32. Воломин И., Исаева Н.В., Ильина Е.И.. Туризм как вид деятельности: Учебник для студентов вузов тур.профиля — Москва, 2003г.

33. Дмитриевский Ю.Д. Туристские районы мира. – Смоленск: СГУ, 2000г.
34. Драчева Е.Л. Специальные виды туризма. Лечебный туризм: учебное пособ. – М.: КНОРУС, 2008. – 152 с.
35. Дурович А.П. Организация туризма. - СПб.: Питер, 2009. – 320 с.
36. Камилова Ф.К. Мехмонхона ва ресторан хўжалиги маркетинги. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007, - 240 б.
37. Камилова Ф.К., Таишева И.М., Сайфутдинов Ш.С. Туризм индустрияси. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007, - 240 б.
38. Камилова Ф. Халқаро туризм бозори. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007.
39. Квартальнов В.А. Туризм: учебник.-2-е изд., перераб.- М.: финансы и статистика, 2007.-336 с.
40. Котлер Ф. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 1071 с.
41. Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс. – М.: «Вильямс», 2008. – 656 с.
42. Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учеб. – М.: КНОРУС, 2008. – 400 с.
43. Леннон Дж. Д., Смит Х., Кокерелл Н., Трю Д. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных организаций и агентство по туризму. – М.: «Группа ИДТ», 2008. – 272 с.
44. Малахова Н.Н., Ушаков Д.С. Инновации в туризме и сервисе. – М.: ИКЦ МарТ, Ростов н/Д: МарТ, 2008. – 224 с.
45. Маринин М.М. Туристские формальности и безопасность в туризме. Москва, 2004г.
46. Можаяева , Н. Г., Богинская , Е. В. Туризм: учебник. – М.: Гардарики, 2007. — 270 с.
47. Морозов М.А. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник - М.: «Академия», 2007. – 288 с.

48. Назарова Г. Комилова Ф. Ўзбекистонда туризм имкониятларини кенгайтириш. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – 2000. 48-49 б.
49. Новиков В.С. Инновации в туризме: учеб. пособ. – М.: Издательский центр «Академия», 2007. – 208 с.
50. Папирян Г.А. Менеджмент в индустрии гостеприимства. – М.: Экономика, 2000. – 224 с.
51. Пузакова Е.П. Международный туристский бизнес. – М.: «Издательство ПРИОР», 2001. – 240 с.
52. Полещук Н.И. Основные тенденции развития международного туризма. Беларусь, 2012г.
53. Пономарева С.Ю. Международный туризм как форма внешнеэкономической деятельности региона. Ростов-на-Дону, 2012г.
54. Саидов А. Система туризма и механизм адаптации ее к рынку. – Т.: Кибернетика, 1992. - 26 с.
55. Сенин В.С., Денисенко А.В. Гостиничный бизнес: классификация гостиниц и других средств размещения: Учеб. пособ. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 144 с.
56. Тишуков Ю.В. Потребитель на рынке туристических услуг: практич. пособ.– Ростов н/Д: Феникс, 2007. – 270 с.
57. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. – Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2006. – 416 с.
58. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Национальные модели туризма. – Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.
59. Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2006. – 368 с.
60. Уокер Дж.Р. Введение гостеприимство. Зарубежный учебник. 4-е изд. перераб и доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2008. – 735 с.

61. Ушаков Д.С. Технологии выездного туризма: Учеб. пособ. — Изд. 2-е. — М.: ИКЦ «МарТ»; 2007. - 384 с.
62. Христов Т. Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. — 3-е изд., испр. — М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 288 с.
63. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. — М.: КНОРУС, 2007. — 416 с.
64. Яковлев Г. А. Экономика и статистика туризма: Учеб. пособ. 4-е изд., перераб. и доп. — М.: РДЛ, 2007. — 480 с.
65. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. — Т.: «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. — 328 б.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

66. Узбекистан в цифрах. Т.: 2014. — 152с
67. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. Т.: 2015. — 93 с.
68. UNCTAD Handbook of statistics 2013. New York and Geneva 2014

VI. Интернет сайтлари

72. www.mineconomy.uz
73. www.press-service.uz
74. www.stat.uz
75. www.uzbektourism.uz
76. www.lex.uz
77. www.unwto.org
78. www.russia.travel
79. www.atorus.ru
80. www.russiatourism.ru
81. www.strategy.ru
82. www.atout-france.fr
83. www.thailand.polpred.com
84. www.germany.travel